

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

“КАСБ ТАЪЛИМИ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

**2-МЖ-10 гуруҳ талабаси
РАҲМАТУЛЛАЕВА ЭЪЗОЗА МУҲАММАД ҚИЗИ
*БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ***

Мавзу: Ишлаб чиқариш корхоналарида экспорт фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари (Наманган вилояти мисолида)

Илмий раҳбар: и.ф.н. Т.Дадабоев

Наманган-2014

МУНДАРИЖА

	Кириш	3
I боб	Ўзбекистонда экспортнинг ривожланиш йўналишлари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ривожланиш тенденциялари	5
1.1.	Ташқи савдони ривожланиши ва унда экспортни роли	5
1.2.	Ишлаб чиқариш корхоналарида экспортнинг аҳамияти ва таркибий тузилиши	9
1.3.	Ўзбекистонда Ишлаб чиқариш корхоналарини экспортнинг ривожланиш йўналишлари ва тенденциялари	11
1.4.	Ишлаб чиқариш корхоналарида экспортни ривожлантириш иқтисодий ёрдами бош омили	12
II боб	Наманган вилояти ишлаб чиқариш корхоналарида экспорт фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари	14
2.1	Наманган вилоятининг ижтимоий- иқтисодий ривожланиши	14
2.2	Наманган вилояти ишлаб чиқариш корхоналарида экспорт фаолияти самарадорлигини таҳлили	20
III боб	Мамлакатни модернизация қилиш даврида экспортни ривожлантириш босқичлари, муаммолари ва истиқболлари	27
3.1.	Ташқи савдо фаолияти билан шуғулланаётган қўшма корхоналарда экспортни ривожлантириш босқичлари, муаммолари ва истиқболлари	27
3.2.	Мамлакатни модернизация қилиш даврида ташқи савдо алоқаларидан самарали фойдаланиш йўллари	33
3.3.	Ўзбекистон экспортини ривожлантиришда хорижий инвестициялар иштирокида фаолият олиб бораётган корхоналарнинг ўрни	35
3.4.	Экспорт – импорт операцияларини амалга ошириш механизмини соддалаштириш орқали ташқи савдони ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаси	38
	Хулоса	41
	Фойдаланган адабиётлар рўйхати	45

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири ташқи иқтисодий фаолиятни янада чуқурлаштиришдан иборат. Жаҳон ҳўжалиги тизимида глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган бугунги кунда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, экспорт таркибини диверсификациялаш ва қўшилган қиймат даражаси юқори бўлган товарлар улушини ошириш мамлакат олдида турган энг асосий вазифалардан ҳисобланади.

Иқтисодийимиз таркибидаги чуқур ўзгаришлар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмини барқарор ошириш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришишда энг муҳим омилга айланди.

Жаҳон бозоридаги коноюнктуранинг бекарорлигига қарамасдан, 2013 йилда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо фаолиятидаги ижобий салдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этди. 2013 йилда қимматбаҳо металллар нархининг кескин пасайганига қарамасдан, мамлакатимиз олтин-валюта захираси ўтган йил давомида 2 фоизга кўпайди.

Президентимиз И.А.Каримов ўз нутқида такидлаганидек: "...сўнгги йилларда экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулотлар улуши барқарор суроатлар билан ўсиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2013-йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиғи тайёр товарлар ҳиссасига тўғри келгани иқтисодийимиз диверсификация қилинаётганининг яққол далолати, десам, хато бўлмайди.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилгани экспорт фаолиятига 450 дан зиёд янги корхонани жалб этиш имконини берди. Бу борада Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда”¹

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг 160 дан зиёд давлатлари билан ташқи савдо алоқаларини ўрнатган бўлиб уларнинг асосийлари Россия, Хитой, Швейцария, Украина, Жанубий Корея, Туркия, Германия, АҚШ ва Франция каби дунёнинг етакчи мамлакатларидир.

Ўзбекистон иқтисодийининг жаҳон ҳўжалиги тизимида интеграциялашуви шароитида республикада экспортга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сиёсатини амалга ошириш ва экспортчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришда ривожланган давлатлар, айниқса, Шарқий Осиёдаги тезкор тараққий этаётган мамлакатлар ташқи савдо сиёсати тажрибаларидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш орқали мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтириш масаласи, республикада ўтиш иқтисодийининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш, жаҳон амалиётида тўпланган тажрибалар ва халқаро қонун-қоидалар асосида ташқи савдони тартибга солиш усулларини янада такомиллаштириш зарурлигини талаб қилади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ташқи иқтисодий фаолият юритишнинг ўзига хос хусусиятлари, миллий ҳўжаликларнинг жаҳон иқтисодийига интеграциялашувининг назарий ва амалий муаммолари, экспорт салоҳиятини ошириш ва таркибий ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги роли ҳақида МДХ олимлари – Т. Койчиев, А. Я. Эльянов, Е.Г. Ясин, А.П. Киреев, Е.В. Скурко, Г.П.Овчинников, Ю.Шишков, В.В.Покровская, В.Соколов, Б. Фомин, Л.Л.Игоина ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон иқтисодийи ривожланиши, қулай экспорт муҳитини яратиш ва экспорт таркиби ривожлантиришнинг илмий-амалий жиҳатлари республикамиз иқтисодчи-олимлари Алимов Р.О., Расулов А.Ф., Бекмурадов А.Ш., Беркинов Б.Б., Сиражидинов Н.С., Тўхлиев Н.,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ” Мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги марузаси «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 18 январь.

Ўлмасов А., Шодиев Р.Х., Назарова Г.Г., Хакимов Н.З, Бобожонов Б.Р. ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари. Битирув-малакавий ишида қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юзасидан мулоҳаза ва ёндашувларни амалга ошириш назарда тутилади:

- ташқи савдони ривожланиши ва унда экспортни ролини ўрганиш;
- ишлаб чиқариш корхоналарида экспортнинг аҳамияти ва таркибий тузилишини очиб бериш;
- Ўзбекистонда ишлаб чиқариш корхоналарини экспортининг ривожланиш йўналишлари ва тенденцияларини тадқиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш корхоналарида экспортни ривожлантириш иқтисодий ўсишини бош омилигини очиб бериш;
- Наманган вилояти ишлаб чиқариш корхоналарида экспорт фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш;
- ташқи савдо фаолияти билан шуғулланаётган қўшма корхоналарда экспортни ривожлантириш босқичлари, муаммолари ва истиқболлари
- мамлакатни модернизация қилиш даврида ташқи савдо алоқаларидан самарали фойдаланиш йўллари очиб бериш;
- Ўзбекистон экспортини ривожлантиришда хорижий инвестициялар иштирокида фаолият олиб бораётган корхоналарнинг таҳлил қилиш;
- экспорт – импорт операцияларини амалга ошириш механизмини соддалаштириш орқали ташқи савдони ривожлантиришнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш;

Тадқиқотнинг предмети бўлиб Наманган вилоятидаги ишлаб чиқариш корхоналарни экспорт муносабатлари самарадорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти. Изланишнинг асосий объекти қилиб Наманган вилоятда фаолият кўрсатаётган Ишлаб чиқариш корхоналарида экспорт фаолиятлари олинди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси бўлиб Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қарор топтиришнинг ўзига хос йўли, Президент Фармонлари, Ҳукумат Қарорлари ва ҳуқуқий далолатномалар, саноат корхоналари модернизациялаш борасида эришилган илғор тажрибалар хизмат қилди.

Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар қисмидан иборат. Биринчи бобда Ўзбекистонда ЭКСПОРТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ривожланиш тенденциялари тадқиқ этиш, иккинчи бобда Наманган вилояти ишлаб чиқариш корхоналарида экспорт фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари таҳлили, учинчи бобда эса Мамлакатни модернизация қилиш даврида экспортни ривожлантириш босқичлари, муаммолари ва истиқболлари баён қилинган.

I-Боб. Ўзбекистонда экспортнинг ривожланиш йўналишлари ва ривожланиш тенденциялари

1.1. Ташқи савдони ривожланиши ва унда экспортни роли

Ўзбекистон республикаси президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “...сўнгги йилларда экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулотлар улуши барқарор суроатлар билан ўсиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2013-йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиги тайёр товарлар ҳиссасига тўғри келгани иқтисодийтимиз диверсификация қилинаётганининг яққол далолати, десам, хато бўлмайди.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилгани экспорт фаолиятига 450 дан зиёд янги корхона жалб этиш имконини берди. Бу борада Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда”².

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг анъанавий ва энг ривожланган кўриниши ташқи савдо ҳисобланади. Халқаро иқтисодий муносабатлар умумий ҳажмининг 80%и савдонинг улушига тўғри келади.

Ҳар қандай мамлакат учун ташқи савдонинг роли каттадир. Ж.Сакснинг фикрича «дунёдаги ҳар қандай давлатнинг иқтисодий мувоффақияти ташқи савдода туғилади. Ҳозирги давргача ҳеч бир мамлакат жаҳон иқтисодий тизимидан ажраган ҳолда соғлом иқтисодийёт ҳосил қила олгани йўқ».

Халқаро савдода халқаро меҳнат тақсимооти асосида пайдо бўладиган турли давлатлар товар ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги алоқаларнинг бир шакли бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро иқтисодий боғлиқликни намоён қилади.

Мамлакатлар иқтисодийётидаги ИТИ таъсири остида руй бераётган структурвий ўзгаришлар, саноат ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперациялашуви миллий хўжаликларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтирмоқда. Бу эса халқаро савдо фаоллашувига имкон яратмоқда. Халқаро савдо ишлаб чиқаришга нисбатан тезроқ ўсмоқда. Ташқи савдо айланмасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, жаҳонда ишлаб чиқариш 10%га кўпайганда жаҳон савдоси 18%га ўсмоқда.

«Ташқи савдо» деганда бир мамлакатнинг бошқа мамлакат билан ҳақ тўланадиган олиб кириш, яъни, импорт ва ҳақ тўланадиган олиб чиқиш, яъни, экспортдан иборат савдоси назарда тутилади.

Ташқи савдо фаолияти товар ихтисослашувига кўра тайёр маҳсулотлар савдоси, машина ва ускуналар савдоси, хом-ашё савдоси ва хизматлар савдосига бўлинади.

Дунёдаги барча мамлакатларнинг ҳақ тўланадиган товар айланмаси йиғиндиси халқаро савдо деб аталади.

Халқаро савдо тушунчаси торроқ маънода ҳам ишлатилади. Масалан, саноати ривожланган давлатлар товар айланмаси йиғиндиси, ривожланаётган давлатлар товар айланмасининг йиғиндиси ва ҳ.к.

Барча давлатлар олдида ташқи савдо бўйича миллий сиёсат танлаш муаммоси ётади. Икки аср мобайнида бу мавзуда тортишувлар кетяпти.

Эркин савдо ёки протекционизм сиёсатини танлаш ёки уни қандай бўлса шу ҳолда сақлаш олдинги асрларнинг характери эди. Бизнинг давримизда бу икки йўналиш узаро боғлиқ. Аммо кўп ҳолларда бу қарама-қарши бирлик эркин савдо тамойилининг бош ролини бажаради.

Эркин савдо сиёсатига биринчи бўлиб А.Смит томонидан таъриф берилган. Адам Смит « айирбошлаш ҳар бир мамлакат учун фойдалидир, ҳар бир мамлакат бунда мутлоқ

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ” Мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги марузаси «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 18 январь.

устунликка эга бўлишини» таъкидлаган. Адам Смитнинг таҳлиллари классик назариянинг асоси бўлган ва эркин савдо сиёсатининг ҳар қандай шакли учун асос бўлиб келган.

Бироқ бу муҳокамаларни охиригача давом эттирар эканмиз, шундай ҳулосага келиш мумкин: агар давлат хориждан керакли нарсаларнинг ҳаммасини, энг арзон нархда ва чекланмаган миқдорда топиши мумкин бўлса, ҳамма нарсани хориждан олиш унинг манфаатлари учун хизмат қилади. Унинг ўзи эса сотиш учун бирон нарса ишлаб чиқарадими? Хеч нарса буни кафолатламайди. У ҳолда у сотиб олган товарлари учун нимани тўлайди? Демак, мутлоқ устунлик назарияси берк кўчага олиб киради.

Д. Рикардо «Сиёсий иқтисод ва солиқ солишнинг бошланиши» (1817йил) ишида боши берк кўчадан классик назарияни олиб чиқди. У халқаро ихтисослашув мезонларини ажратган ҳолда, давлатлар учун қандай ҳолатларда давлатлараро айрбошлаш манфаатли эканини кўрсатиб берди. Ҳар бир давлат учун устунлик қилган ёки кучсизлиги нисбатан камроқ бўлган соҳага ихтисослашиш манфаат келтиради. Унинг муҳокамалари устунликлар таққосланиши назарияси ёки принципада ўз аксини топди.

Д. Рикардо халқаро айирбошлаш барча давлатлар учун мумкин ва манфаатлидир. У айрбошлаш барча учун фойдали бўлган нарх зоналарини аниқлади.

Джон Стюарт Милль ўзининг «сиёсий иқтисод асослари» (1848йил) ишида қандай нархда айрбошлаш амалга оширилишини кўрсатди. Милльнинг фикрига кўра айирбошлаш нархи талаб ва таклиф қонунига кўра, ҳар бир давлатнинг ялпи экспорт миқдори ялпи импорт миқдорини қоплайдиган даражада белгиланади. Милльнинг муҳим хизматларидан бири унинг Халқаро Нарх қонуни ёки «халқаро нарх назарияси»дир. Халқаро Нарх қонунининг таъкидлашича, шундай нарх мавжудки у давлатлар орасидаги товар айирбошлашни оптималлаштиради. Бу бозор нархи талаб ва таклифга боғлиқ.

Классик буржуа иқтисодиётининг назарисини ривожлантиришга қаратилган сўзлар Готфрид Ҳаберлер томонидан айтилган эди. У нуқтаи назарини нафақат меҳнатга балки ишлаб чиқаришнинг барча омилларига эътиборни қаратди.

Халқаро Савдо оқимини нима билан аниқланиши ва унинг таркибини Эли Хекшер ва Бертиль Олин ўзларининг замонавий қарашларида акс эттирганлар. Улар нисбий устунлик тушунасини қуйидагича изоҳлаганлар: у ёки бу давлатнинг маълум бир товарларга ихтисослашиши уларнинг ишлаб чиқариш омиларига эғалик даражасига боғлиқ. Э.Хекшер ва Б.Олин «нархларнинг ишлаб чиқариш омилларига тенглаштириш» теоремасини илгари сурдилар.

1948 йилда Америкалик иқтисодчилар П. Самуэльсон ва В. Столпер ўз теоремаларини қиритиб Хекшер-Олин теоремасининг исботини мукамаллаштирдилар: ишлаб чиқариш омиллари, техника бир хил бўлса, мукамал рақобат ва товарларнинг тўла ҳаракатчанлиги мавжуд бўлганда халқаро айирбошлаш ишлаб чиқариш омилларининг давлатлар орасидаги нархини тенглаштиради.

Ташқи савдо назарияси Америка иқтисодчиси В. Леонтьевнинг «Леонтьев парадокси» номли ишида янада ривожланди. Парадокс шундаки В. Леонтьев Хекшер-Олин теоремасидан фойдаланиб Америка иқтисоди урушдан кейинги даврда капиталга нисбатан меҳнатни кўпроқ талаб қиладиган ишлаб чиқаришга ихтисослашганини кўрсатди. Бошқача айтганда, АҚШ экспорти импортига нисбатан кўпроқ меҳнатталаб ва камроқ капиталталабдир. Бу ҳулоса АҚШ иқтисодиёти ҳақидаги олдинги барча фикрларга тамоман тесқаридир. Умумий фикрга кўра, АҚШ иқтисодиётида доимо капитал ортиқча эди ва Хекшер-Олин теоремасига кўра АҚШ капиталталаб товарларни импорт эмас, экспорт қилиши керак эди.

Кейинги йилларда В. Леонтьев ихтироси кенг резонанс олди. Турли давлатларнинг кўплаб иқтисодчилари «Леонтьев парадоксини» тушунтириб бу мавзуда тортишдилар. Натижада нисбий устунлик назарияси янада ривожланди. Унга техник ривожланиш ва уни тақсимланишининг тенг эмаслиги, маблағларни фирмдан ташқарида иқтисод қилиш, давлатлардаги иш ҳақининг фарқи ва бошқа тушунчалар қиритилди.

Маҳсулотнинг ҳаётийлик даври назарияси. 60-йилларнинг ўрталарида америкалик иқтисодчи Р.Вернон маҳсулотнинг ҳаётийлик даври назариясини олға сурди. Ушбу назариясида Р. Вернон тайёр маҳсулотлар жаҳон савдосининг ривожланишини уларнинг

хаётий босқичлари асосида, яъни маҳсулот бозорда ҳаётга эга ва сотувчининг ўз мақсадларига эришишини таъминлаши вақт даври асосида тушунтиришга ҳаракат қилди.

Маҳсулотнинг ҳаётийлик даври тўртта босқични ўз ичига олади, яъни тадбиқ этиш, ўсиш, етуқлик ва пасайиш.

Биринчи босқичда мамлакат ичида юзага келган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда янги маҳсулотни ишлаб чиқариш юз беради. Шунинг учун ушбу босқичда янги маҳсулотни ишлаб чиқариш кам серияли характерга эга бўлади, юқори малакали мутахассисларни талаб этади ҳамда янглик кашф этилган мамлакатда концентрацияланади. Ишлаб чиқарувчи эса деярли монополь маъқега эга бўлади ва маҳсулотнинг кичик қисмигина ташқи бозорга чиқарилади.


Етуқлик даврида кўп серияли ишлаб чиқариш олдинги ўринга чиқади. Рақобат курашида эса нарх омили бирламчи аҳамият касб эта бошлайди. Ушбу босқичда бозорларнинг кенгайиб бориши ва технологиянинг тарқалиши натижасида янглик кашф этилган мамлакат рақобат устунлигига эга бўлмай қолади. Ишлаб чиқариш ишчи кучи арзон бўлган ривожланаётган мамлакатларга кўча бошлайди. Стандартлаштирилган ишлаб чиқариш жараёнларида арзон ишчи кучидан самарали фойдаланиш мумкин. Маҳсулот ҳаётийлик даври пасайиш босқичига ўтиши муносабати билан унга бўлган талаб қисқаради. Бу ҳолат айниқса ривожланган мамлакатларда кузатилади. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотиш асосан ривожланаётган мамлакатларда тўпланади. Маҳсулот яратилган мамлакат эса соф импортёрга айланади.

Маҳсулотнинг ҳаётийлик даври назарияси кўпчилик тармоқлар эволюциясини ифодалаб беради, аммо ушбу назария халқаро савдо ривожини тенденцияларининг универсал таърифи ҳисобланмайди.

Миқъёс таъсири назарияси. 80-йилларнинг бошларида П. Крюгман, К. Ланкастер ва айрим бошқа иқтисодчилар классик назарияга муқобил равишда, миқъёс таъсирига асосланган халқаро савдо назариясини таклиф этдилар. “Микроиқтисодиёт” курсидан яхши маълум бўлган миқъёс таъсири тушунчасининг моҳияти шундан иборатки, аниқ бир яратилган технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда маҳсулот чиқариш ҳажми ўсган сари узоқ муддатли ўртача харажатлар қисқаради, яъни оммавий ишлаб чиқариш натижасида иқтисод қилиш ҳолати юзага келади.

Мазкур назария муаллифларининг нуқтаи назарига кўра кўпгина мамлакатлар (хусусан саноати ривожланган) асосий ишлаб чиқариш омиллари билан бир бирига яқин бўлган нисбатда таъминланганлар. Ушбу шароитда улар учун миқъёс таъсирига эга тармоқларга ихтисослашган ҳолда ўзаро савдо алоқаларини йўлга қўйиш манфаатли ҳисобланади. Бундай ихтисослашиш ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига, маҳсулотни энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришга ва натижада унинг нархи паст бўлишига имкон беради. Оммавий ишлаб чиқариш таъсири амалга ошиши учун етарли даражада кенг бозор талаб этилади. Халқаро савдо эса бунда хал қилувчи ролни ўйнайди. Чунки у маҳсулот сотилувчи бозорларни кенгайишига имкон яратади. Бошқа сўзлар билан айтганда, халқаро савдо ягона интеграциялашган бозорни вужудга келтиради ва бу эса ўз навбатида алоҳида олинган мамлакат бозоридан кўра истеъмолчиларга кўпроқ миқдордаги маҳсулотни арзонроқ нархда таклиф қилиш имкониятини беради. Бироқ шулар билан бир қаторда миқъёс таъсирининг амалга оширилиши соф рақобат муҳитининг бузулишига олиб келиши мумкин. Чунки у ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви, фирмаларнинг йириклашуви, уларнинг монопольга айланиши билан боғлиқ.

Рақобат устунлиги назарияси. 1991 йилда америкалик иқтисодчи Майкл Портер ўзининг “Мамлакатларнинг рақобат устунликлари” деб номланган тадқиқотини нашр қилди. Ушбу тадқиқотда халқаро савдо муаммоларига умуман янгича ёндашув ишлаб чиқилган. Ёндашувнинг шартларидан бири: “Халқаро бозорда мамлакатлар эмас, фирмалар рақобатлашади. Бу жараёнда мамлакатнинг ўрнини аниқлаб олиш учун фирма рақобат устунлигини қандай яратиши ва уни қандай ушлаб туришини тушуниш талаб этилади” деган тезисдир. Ташқи бозордаги муваффақият тўғри танланган рақобат стратегиясига боғлиқ бўлади.



1.1-расм. Мамлакатнинг рақобат устунлиги детерминантлари³.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг ” Мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги марузаси «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 18 январь.

М. Портер глобал стратегия шароитида рақобат устунлигига эришишнинг ва ундан фойдаланишнинг икки усулини ажратади:

1) фаолиятни тартибга солиш (конфигурация), уни ўзига хос хусусиятларидан фойдаланиш мақсадида турли мамлакатларда фаолиятнинг турли кўринишларини жойлаштириш.

Фаолият турларини давлат куйидаги мезонлардан келиб чиқиб жойлаштиради:

- омилларнинг минимал қиймати;
- ИТТКИ ни ўтказиш учун зарур қарорларнинг мавжудлиги;
- махсус кўникмаларнинг мавжудлиги;
- мижозлар билан муносабатларнинг ривожланганлик даражаси ва бошқалар.

2) филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириш. У ўз ичига:

- маълумот алмашинувини;
- жавобгарликни тақсимлашни;
- хатти-ҳаракатларнинг келишишни олади.

Рақобат устунлигининг детерминантлари. Ҳар бир тармоқ доимо янгиланиб ва замонавийлаштириб қўрилади. Бу жараёни рағбатлантиришда асосланувчи мамлакат муҳим ўрин тутди. Асосланувчи мамлакат бу асосий маҳсулот ва технология стратегияси ишлаб чиқариладиган ва керакли тажрибага эга бўлган ишчи кучи мавжуд мамлакатдир. М.Портер мамлакатнинг атроф-муҳитни шакллантирувчи тўрт хусусиятни кўрсатди, бунда халқаро муваффақиятга таъсир қиладиган маҳаллий фирмалар рақобатлашади.

1.2. Ишлаб чиқариш корхоналарида экспортнинг аҳамияти ва таркибий тузилиши

Мамлакатимиз президенти таъкидлаганидек: “...иқтисодийтимиз таркибидаги чуқур ўзгаришлар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмини барқарор ошириш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришишда энг муҳим омилга айланди”⁴.

Жаҳон бозоридаги кононжуранинг бекарорлигига қарамасдан, 2013-йилда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо фаолиятидаги ижобий салдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этди. 2013-йилда қимматбаҳо металллар нархининг кескин пасайганига қарамасдан, мамлакатимиз олтин-валюта захираси ўтган йил давомида 2 фоизга кўпайди.

Экспорт атамаси инглизча “export”, латинча “exporto” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, “олиб чиқаман”, “четга чиқараман” деган маъноларни англатади. Экспорт деганда аслида товарлар, хизматлар, инвестиция, қимматли қоғозлар, технологияларни ташқи бозорга чиқариш тушунилади. Товарларни бир мамлакат орқали олиб ўтиш (транзит) ва бир мамлакатдан олиб келинган товарларни бошқа мамлакатларга сотиш учун чиқариш (реэкспорт) ҳам экспортга киради.

Мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган моддий бойликлар экспорт таркиби миллий иқтисодийнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг халқаро меҳнат тақсимидаги ўрни билан боғлиқ. Саноати ривожланган мамлакатларга саноат маҳсулотлари, айниқса, машинасозлик маҳсулотлари ва технологиялар экспорт қилиш хос бўлса, қолоқ, аграр иқтисодийга эга бўлган мамлакатлар экспортида хом ашё ва озиқ-овқат асосий роль ўйнайди. Якка зироатчилик хўжаликлари ҳукмрон бўлган мамлакатлар экспортида 1—2 товар тури асосий ўринни эгаллайди.

Юлларни ташиш, воситачилик операциялари, туризм, илмий-техника алоқаларидан ва бошқа хизматларни сотишдан олинadиган даромадлар кўринмас экспортни ташкил этади ва иқтисодий ривожланган кўпгина мамлакатларда унинг аҳамияти ортиб бормоқда. Ҳар қандай давлат учун экспорт импорт ва чет элларда бошқа харажатларни тўлаш учун зарур бўлган чет эл валютасининг асосий манбаи. Давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсатида экспортни кенгайтириш муҳим масала ҳисобланади ва давлат экспорт учун мўлжалланган

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ” Мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги марузаси «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 18 январь.

ишлаб чиқаришни қўлаб-40 қувватлашнинг турли шакллари кенг қўллайди (солик имтиёзлари ва бошқа молиявий қўмақлар; экспортни давлат томонидан кредитлаш).

Экспортни чеклаш аксарият ҳолларда муайян мамлакатлар билан олиб бориладиган савдога эмбарго жорий этиш йули билан сиёсий мақсадларда амалга оширилади. Айрим товарлар экспорти баъзан иқтисодий ёки экологик сабабларга қўра чекланади (мазкур товарнинг мамлакат иқтисодиёти учун муҳимлиги, йўқолиб бораётган ҳайвонлар ёки ўсимликлар турларини, миллий маданий-бадий бойликларни асраш ва бошқалар). Ўзбекистон Республикасининг божхона кодексига мувофиқ, товарлар экспорти божхона режимида, божхона тўловлари тўланганидан кейин, иқтисодий сиёсат тадбирларига риоя этилган ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа талаблар бажарилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан четга чиқарилади. Кўпгина мамлакатларда экспорт товарлари қўшилган қиймат солиғидан ва шунга ўхшаш солиқлардан озод қилинади.

Жаҳон савдо ташкилоти доирасида савдо қилишнинг янги тартиби ташқи савдони бошқариш бўйича баъзи чораларни қўллаш имкониятини чеклаб қўйди. Шунга қарамадан, агар турли «рухсат берилган» субсидия-лардан, «тўлов баланси» ҳақидаги халқаро савдо қонунларининг савдо билан бевосита боғлиқ бўлмаган бандларидан оқилона фойдаланилса ва халқаро савдо қоидаларини ижодий талқин қилинса, маневр қилиш учун сезиларли имкониятлар туғилади. Япония, Жанубий Корея, Тайвань сингари мамла-катлар ўз бозорларини ҳимоя қилиш учун жуда баланд тарифлар ва қатъий квоталар ўрнатмадилар. Аммо, кўплаб «норасмий» чоралар қўланди. Бу мамлакатларда давлат чет элликлар учун мураккаб бўлган савдо тизимини кўплаб чекловчи қоидалар, андозалар, сифат тавсиялари ва хоказолар жорий этди. Хорижий рақобатчиларнинг мамлакат ичкарасидаги бозорларга кира олмасликларини таъминлаш учун «ғамхўрлик» қилди. Бу мамлакатларда кўпчилик компаниялар давлатдан ёки давлат ёрдамида имтиёзли кредит олдилар, кредитлар беришда «норасмий» тарзда фирмалар чет эл товар-41 ларини имкон борича сотиб олмасликлари кўзда тутилди. Бу мамлакатлар импортни қийинлаштириш учун банклар билан турли келишувлар, рухсатно-малар ва шунга ўхшаш бошқа «норасмий» чекловлардан фойдаландилар. Аҳоли ўртасида ҳам, жумладан, оммавий ахборот воситалари ёрдамида чет элда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олмаслик тўғрисида кенг тарғибот ишлари олиб борилди.

Шундай қилиб, ҳозирги замон назариялари ва жаҳон тажрибаси давлатнинг иқтисодий ривожланиш ва экспортга йўналтирилганликни таъминлашда кўп функциялари ва муҳим роль ўйнашини таъкидлайди.

Мустақиллик йиллари республикамызда экспортни ривожлантиришга катта аҳамият берилди. Экспортга ихтисослашган корхоналарни қўлаб-қувватлаш бўйича бир қатор чоратадбирлар кўрилди. Хусусан, маҳаллий-лаштириш дастури асосида ўз маҳсулотларини четга экспорт қилувчи корхоналарга солиқдан имтиёзлар берилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуришга, дунёнинг турли мамлакатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, аввало, ташқи савдони такомиллаштириш орқали жаҳон бозор тизимига интеграциялашиш томон 45 йўл тутди. Бугунги кунда экспортни ривожлантириш бу макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, инвес-тицион фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган давлатнинг умумий иқтисодий сиёсатининг ажралмас бир қисмидир. Экспортни кенгайтириш- республикага эркин муомаладаги валютанинг кириб келишини кучайтириш ҳамда миллий валютани барқарорлигини таъминлайди.

1.3. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш корхоналарини экспортнинг ривожланиш йўналишлари ва тенденциялари

Фан-техника тараққиёти натижасида жаҳон хўжалик тизимида глобаллашув ва хўжалик фаолиятининг байналмилаллашуви жараёнида кучаймоқда, ташқи иқтисодий фаолият миллий хўжаликнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Бундай шароитда муайян мақсадга йўналтирилган ташқи иқтисодий фаолият юритиш иқтисодий ўсишнинг омили ҳисобланади.

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш қўп жиҳатдан унинг жаҳон ҳўжалигига интеграциялашувига, экспорт салоҳиятини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг аниқ натижаларига боғлиқ. Республикамизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ХХІ аср бошида мамлакатимиз ривожланиш стратегиясининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ташқи савдони эркинлаштириш иқтисодиёт очиқлик даражасининг ўсишига, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига ва рақобатчиликнинг кучайишига, мамлакат экспорт салоҳиятини ички имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгач, жаҳон ҳўжалик тизимига интеграциялашиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қарата бошлади. Бунинг ёркин мисоли Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятида кенг иштирок этаётганлигидир.

Мустақиллиكنинг дастлабки йиллариданоқ республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон Банки, Халқаро Валюта Фонди, Халқаро Молия Корпорацияси, Халқаро Меҳнат Ташкилоти каби халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди. Бундан ташқари, иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилди ва у кейинчалик Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига ва яъна Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига айлантирилди, Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банкига асос солинди, шунингдек, бошқа ташқи иқтисодий алоқалар муассасалари шакллантирилди ва фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз ташқи савдо сиёсатининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундан иборатки, унда аввало, анъанавий маҳсулотлар экспортини оширишга ва ундан тушган валюта тушумларини ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларига сарфлашга ва шу орқали иқтисодиётнинг бир томонлама, хомашёга асосланганлигига барҳам беришга ҳаракат қилмоқда.

Бундан ташқари давлатимиз томонидан экспорт қилувчи корхоналарга бир неча имтиёзлар яратилмоқдаки бу эса ўз навбатида ташқи савдо балансида ўз аксини топмоқда.

Мустақиллиكنинг дастлабки йиллариданоқ, Ўзбекистон ташқи савдо географиясини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Чунки, собиқ Иттифок даврида вужудга келган ишлаб чиқариш ва товарлар экспортида хомашё маҳсулотлари устуворлиги, иқтисодиёт таркибининг бир ёқламалигига олиб келган самарасиз тизимдан воз кечиш кун тартибидаги асосий вазифага айланган эди. Бундан ташқари, ягона тўлов тизимининг бузилиши ва собиқ Иттифокнинг турли республикаларида жойлашган корхоналар ўртасида ўзаро тўловни амалга оширишда қийинчиликларни вужудга келиши, ушбу корхоналар тўлов қобилиятларини кескин пасайиши каби муаммолар бу корхоналар билан ўзаро алоқаларга барҳам беришга ва узоқ хориж мамлакатлари билан савдо алоқаларни ривожлантиришга олиб келди.

Шу билан бирга узоқ хориж мамлакатларига экспортни ортиши валюта тушумини яхшилаши ва ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариладиган замонавий техника ва илғор технологияни импорт қилиш, натижада эса ички ва ташқи бозорга рақобатбардош товарлар етказиб бериш имкониятини яратди.

Юқоридаги омиллар натижасида миллий ташқи савдо географиясида сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Шунингдек, ривожланган мамлакатлардан импорт қилинган замонавий технологиялар ва биргаликда ташкил этилган қўшма корхоналар МДХ давлатларига хомашё бўлмаган машина ва ускуналар, кимё маҳсулотлари ва хизматлар экспортини ортишига имконият яратди. Қолаверса, сўнги йилларда энергетика маҳсулотлари савдо шартларининг ижобий томонга ўзгариши ҳам МДХ мамлакатларига, айниқса, Россия, Украина ва Қозоғистон каби мамлакатларга экспорт ҳажмини ортишига олиб келди.

Экспорт таркибини диверсификациялаш ва қўшилган қиймат даражаси юқори бўлган товарлар улушини ошириш мамлакатлар олдида турган энг асосий вазифалардан ҳисобланади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида халқаро тажриба шуни кўрсатдики, қайси мамлакат экспортида хомашё маҳсулотлари етакчи бўлса, бу мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Чунки жаҳон бозорида хомашё нархлари беқарор ва унда тебранишлар даражаси юқори ҳисобланади. Қолаверса, олтин, мис ва энергия манбалари тикланмайдиган ресурслар гуруҳига киради. Гарчи Ўзбекистонда мавжуд олтин ва мис захиралари ҳозирги ишлаб чиқариш ҳажми сақланиб турган шароитда 50-60 йилга етсада, уларни улуши экспортда ошиб бориши мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Ўзбекистон экспортининг товар таркибини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, озиқ-овқатлар, машина ва асбоб-ускуналар, шунингдек, бошқа тайёр маҳсулотлари экспортини ошириш орқали мамлакат экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш мумкин.

Шунингдек, жаҳон хомашё бозори конъюктураси, тайёр маҳсулотлар бозоридан фарқи ўлароқ, беқарор ва унда тебранишлар даражаси юқори ҳисобланади. Шу сабабли бу ҳолат макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

1.4. Ишлаб чиқариш корхоналарида экспортни ривожлантириш иқтисодиётни ўсишини бош омили

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам жамият ҳаётининг барча соҳалари, шу жумладан иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган тадбир амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Ресубликаси Президенти И.А.Каримов бу тадбирлар зарурлигини қайта-қайта таъкидлайдилар. Мен оддий бир ҳақиқатни барча тушуниб олишини истайман. Эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш бу – бизнинг олға интилишимизнинг кафолати ва асоси, у нафақат иқтисодий, балки ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларнинг ҳал қилишнинг асосий шартидир.

Кўп мамлакатлар иқтисодий ривожланишда кучли протекционизм ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш босқичидан ўтадилар кейин эса аста-секин экспортга йўналтиш томонга силжийдилар. Кўпинча импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш иқтисодий мустақилликка эришишнинг усули бўлиб хизмат қилади.

Мамлакат иқтисодий ўсиши юқори ва барқарор суръатларга эришишни истар экан, аста-секин экспортга йўналтирилган иқтисодий сиёсатга ўтиш муқаррадир. Шу билан бирга, экспорта йўналтирилган стратегияни шакллантириш учун обдон тайёргарлик кўриш кераклигини таъкидлаш лозим. Бозор тамойиллари суғуриб ривожланган иқтисодиётларда протекционизмни бартараф қилиш ресурсларининг экспортга йўналтиришига эмас, улардан тўла фойдаланмасликка олиб келади. Тузилмани мувофақиятли тартибга солиш учун инвестициялар талаб қилинади, бироқ тадбиркорлар, шу жумладан кичик ва ўрта бизнес, иқтисодий кўрсаткичлар зарур йўналишда силжиши мумкинлигидан далолат бермагунча, ўзлари хоҳлаган секторга ҳам маблағ ётқизишлари амри маҳол.

Ишлаб чиқариш миқёсида иқтисод қилиш мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича давлат стратегияси зарурлигини асослашда энг муҳим омил ҳисобланади. Агар миллий фирма ишлаб чиқариш ўсишга, боғлиқ тарзда инвестициялардан ўсиб бораётган натижа олса ва ички бозорда ҳорижий бозорларда ҳам экспорти кенгайтириш йўли билан каттароқ фойда олиш эҳтимоли кўпаяди. Катта ҳажмда бундай ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун ички бозорни жиддий ҳимоялаш зарурияти туғилади. Агар ҳукумат ички бозорни таърифлар, квоталар ёрдамида ҳимоя қилса, миллий фирмаларнинг ўртача ишлаб чиқариш ҳаражатлари пасаяди ва шунинг учун улар ташқи бозорда маҳсулотларга пастроқ нарх белгилашлари мумкин. Шунинг учун миллий фирмаларнинг давлат томонидан ички бозорда ҳимоя қилиш уларга фақат мамлакат ичкарисида эмас, балки ҳорижий бозорларда ҳам фойда келтиради.

Экспортни кенгайтириш Республикада эркин муомаладаги валютанинг кириб келишини кучайтириш орқали миллий валютани мустаҳкамлаш имконини беради. Бу корхоналар эҳтижманд бўлган янги технологиялар ҳамда. Бу ижтимоий масалаларни ҳал этиш – иш ҳақини ошириш, ижтимоий инфраструктурани кенгайтириш ва бу ишлаб

чиқаришни мунтазам янгилаб туришни кучли тарзда рағбатлантириш имконини беради. Бир сўз билан айтганда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш ҳар томонлама рағбатлантириш ва миллий валютаминнинг барқарорлигини таъминлаш бугунги кунда энг долзарб бўлиб, уни ҳал этмасдан иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳақида сўз юритиб бўлмайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда изчил амалга ошираётган иқтисодий ислохотлар туфайли мавжуд ишлаб чиқариш корхоналари техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб модернизация қилинмоқда. Шу билан бирга жойларда янги-янги қувватлар ишга туширилмоқда. Бу эса юқорида таъкидлаб ўтганимиздек ўз навбатида нафақат ички бозоримизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, балки экспортбоп ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Масалан: Янгийўл туманида фаолият бошлаган болалар ва катталар кийимларини тайёрлашга ихтисослашган «Биллур текс» масъулияти чекланган жамияти ҳам мана шу ислохотлар самарасидир. Мазкур корхона маҳсулотлари асосан ҳорижлик буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Мухтарам президентимиз И.А.Каримов ўзининг «Асосий мақсадимиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» мавзусидаги маърузасида – Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хомашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ қутилиб, тайёр Рақобатдош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак.

Бу борада янги бозорлар, янги транспорт йўлақларини топиш, бир сўз билан айтганда, фаол маркетинга асосланган ташқи иқтисодий сиёсат юритиш зарур.

Агар мамлакат экспорт салоҳияти истиқболларини белгилашнинг минтақавий жиҳатларини ҳал қиладиган бўлсак, минтақаларда рангли металлургия саноатини ривожлантириш учун қулай имкониятлар мавжуд. Бу эса ҳорижий инвестицияларни кенг жалб этишда улкан истиқболлар очади. Жумладан, Самарқанд (Ингичка, Қўйтош, Яхтон), Жиззах (Угат) ҳамда Навоий (Сариктоғ, Саудбаст) вилоятларида волфран хомашёсига ўтабой захиралари мавжуд. Шунингдек, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларидаги Учқулок ва Хандиза конларида кургошин рух рудасини казиб олишни икки марта ошириш имконияти мавжуд.

Йирик экспорт қилувчи минтақалар каторига Қашқадарё, Фарғона, Самарқанд вилоятларини киритиш мумкин.

Шунингдек, Андижон вилоятида (Автомобил заводи билан боғлиқ бошқа ишлаб чиқаришлар) Бухоро вилоятида (Қоравул бозор нефтни қайта ишлаш заводи) Қашқадарё вилоятида (Шўртан газ-кимё, Муборак мажмуалари, «Тошғузор-Бойсун-Қумқурғон» темир йўл линияси) мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ва янги саноат корхоналарини ташкил этиш ҳисобига экспорт салоҳиятини сезиларли даражада кўтариш имкониятлари мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, яқин истиқболда минтақалар экспорт салоҳиятидан самарали ва оқилона фойдаланишга эришиш иқтисодий ислохотларни амалга оширишда мавжуд ҳудудий номутаносибларнинг сезиларли даражада қисқаришига олиб келади.

II-боб. Наманган вилояти ишлаб чиқариш корхоналарида экспорт фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари

2.1. Наманган вилоятининг ижтимоий- иқтисодий ривожланиши

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2013 йил 18 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида белгилаб берилган «2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари» вазифаларини амалга оширилиши, шунингдек, Ҳукумат томонидан қабул қилинган тармоқ дастурлари ва қарорларида белгиланган параметрларни вилоятда ижросини таъминланиши ҳисобига 2013 йил якуни билан иқтисодиётнинг барча соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Хусусан, иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва қўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, зарур ишбилармонлик муҳитини яратиш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил оширилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг (ЯҲМ) ўсиш суръати 11,2 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 12,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги 8,1 фоиз, капитал қўйилмалар 21,7 фоиз, қурилиш ишлари 16,1 фоиз, чакана савдо айланмаси 17,1 фоиз ва пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 19,3 фоизга ўсиши таъминланган.


Ёки, ЯҲМдаги саноатнинг улуши 10,8 фоизни (2012 йил якунида 9,9%), қишлоқ хўжалиги 36,8 фоизни (34,8%), қурилиш 7,0 фоизни (7,5%), транспорт ва алоқа 8,9 фоизни (9,3%) ва бошқалар 36,4 фоизни (38,5%) ташкил этган. Кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши эса 79,5 фоизга (78,4%) тўғри келган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек:” мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди.

Юртимизда қабул қилинган 2011-2015-йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда”⁵.

Наманган вилоятида 2013 йилнинг январ-июн ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)нинг номинал қиймати 1795,4 млрд. сўмда баҳоланди. ЯҲМнинг реал ҳажмининг ўсиш суръатлари ўтган йилга нисбатан 111,3 фоизни ташкил қилди.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ” Мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги марузаси «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 18 январь.



2.1.1-диграмма. ЯХМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби(умумий хажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2013 йилнинг 1 июл ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 34,5 мингга етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 30,6 мингтани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 91,3 фоизи) ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 50,2 фоизи), савдо ва умумий овқатланиш (16,7 фоизи), саноат (8,5 фоизи) ва қурилиш (4,5 фоизи) соҳаларига тўғри келади⁶.

2013 йил 1 июл ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 29664 тани ташкил қилди. Жорий йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 65,8 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан (2012 йилнинг шу даврида 65,5 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Иқтисодиётнинг кичик сектори иқтисодиётдаги жами бандларнинг 79,9 фоиз (699,8 минг киши) бандлигини таъминлади. Банд бўлганларнинг катта қисми 93,1 фоизи (651,5 минг киши) хусусий сектор ҳамда 20,4 фоизи (143,0 минг киши) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади.

Кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 121,3 фоизга ўсди ва 245,9 млрд. сўмни (вилоят саноат ишлаб чиқаришининг 54,6 фоизи), қишлоқ хўжалик маҳсулоти 106,6 фоизга ўсиб, 875,1 млрд. сўмни (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 98,8 фоизи) ташкил қилди.

Вилоят иқтисодиётида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 55,0 фоизини кичик бизнес субъектлари томонидан киритилган инвестициялар ташкил қилди, қурилиш ишларининг 93,1 фоизи кичик бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келди.

⁶ Наманган вилоятининг статистик ахборотномаси

Кичик бизнес субъектлари юк айланмаси вилоят автомобил транспорти умумий юк айланмасининг 92,4 фоизини, умумий йўловчи айланмасининг 76,0 фоизини ташкил этди.


Наманган вилоятининг 2013 йилнинг кичик тадбиркорликда яратилган маҳсулот (иш, хизматлар) умумий ҳажмида хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотининг улуши

2.1.1-жадвал

Иқтисодиёт тармоқлари	Хўжалик юритувчи кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млн.сўм	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Саноат	328574,9	38,6
Қишлоқ хўжалиги	875116,8	79,4
Қурилиш	304496,7	74,2
Чакана савдо	630514,1	24,4
Пуллик хизмат	216579,2	40,7
Юк ташиш, млн. тн.	13,4	58,0
Йўловчи ташиш, млн. киши	158,8	82,5
Экспорт, минг АҚШ долл.	48722,1	3,5
Импорт, минг АҚШ долл.	109502,8	20,5

Чакана савдо айланмаси умумий ҳажмининг 45,8 фоизи ёки 630,5 млрд. Сўми (ўсиш 128,5 фоизни ташкил қилди) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 44,5 фоизи ёки 96,4 млрд. сўми (101,9 фоизга купайган) кичик тадбиркорликда шаклланди.

Кичик бизнес субъектлари ташқи савдо айланмаси вилоят ташқи савдо айланмаси ҳажмининг 60,0 фоизини ташкил қилди. Жорий йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 48722,1 минг АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 47,5 фоизи), миқдорида маҳсулот экспорт қилинди. Импорт 109502,8 минг АҚШ доллари (умумий импортнинг 67,9 фоизи)ни ташкил қилди.



2.1.2-диграмма. Иқтисодиёт тармоқларида яратилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида, кичик тадбиркорликнинг улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

Наманган вилоят аҳолисини арзон, сифатли мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 3 декабрдаги 340-сонли қарорига асосан вилоят ҳокимининг 2012 йил 7 декабрдаги 374-сонли қарори қабул қилиниб, тизимли назорат ўрнатилди.

Мазкур қарор асосида “Наманган вилояти туманларида 2013 йилда мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотларини чорақлар бўйича ишлаб чиқариш ва фойдаланиш башорат кўрсаткичлари” ишлаб чиқилиб, ижроси мониторинг қилиб борилмоқда.

Хусусан, 2013 йилда барча хўжаликларда 204,5 минг тонна картошка, 570,0 минг тонна сабзавот, 62,0 минг тонна полиз, 182,0 минг тонна мева, 98,6 минг тонна узум, чорвачилик маҳсулотларидан 103,0 минг тонна гўшт, 511,0 минг тонна сут, 225,0 млн. дон тухум етиштирилиб, бу турдаги маҳсулотларни 2012 йилга нисбатан 6,0 фоиздан 40,0 фоизгача кўпайтириш кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида 2013-2015 йиллар давомида умумий қиймати 34,8 млн.долларлик 397 та лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига 3000 нафардан зиёд янги иш ўринлари яратиш белгиланган. Булардан 209 тасини 2013 йилда амалга ошириш ҳамда ушбу мақсадлар учун 23,2 млн.доллар миқдорида (шундан 10,5 млн.доллари банк кредити) маблағлар сарфланиб, 1984 та янги иш ўринлари барпо этиш белгиланган.

Наманган вилоятда 2013 йил якуни билан 516,4 минг тонна дон (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,8%), 574,6 минг сабзавот (108,5%), 207,3 минг тонна картошка (110,2%), 63,5 минг тонна полиз (111,5%), 182,0 минг тонна мева (115,2%), 98,6 минг тонна узум (112,7%) ҳамда чорвачилик маҳсулотларидан 99,8 минг тонна гўшт (107,0%), 498,7 минг тонна сут (107,4%), 217,4 млн. дон тухум (127,6%), 2655,0 тонна пилла (100,3%), 1450,0 тонна жун (107,4%), 521,0 тонна асал (135,7%) ва 1742,0 тонна балик (152,0%) ишлаб чиқарилди.

Бунинг ҳисобига вилоятда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми 2429,2 млрд.сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 108,1 фоизга таъминланди.

2013 йилда қорамол бош сонлари 564,5 минг бошни (101,4%) шу жумладан, сигирлар 200,6 минг бошни (102,1%), қўй-эчкилар 661,6 минг бошни (102,1%), паррандалар 2631,1 минг бошни (114,7%) ва отлар 6,5 минг бошни (100,6%) ташкил этди.

2013 йил якуни билан жами 2043 та (режага нисбатан 4,2 марта) шу жумладан, 715 та чакана савдо, 90 та умумий овқатланиш корхонаси, 28 та гузар, 122 та кийим тикиш ва таъмирлаш, 269 та сартарошхона, 117 та пойабзал тикиш ва таъмирлаш, 19 та суратхона, 67 та майший техника таъмирлаш устахоналари ва 482 та бошқа турдаги хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди. Бу мақсадларга 75,0 млрд.сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилиб, 4151 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

2013 йилда чакана савдо айланмаси вилоят бўйича 2898,6 млрд.сўм (117,1%), пуллик хизматлар ҳажми 1076,4 млрд.сўмни (119,3%) ташкил этиб, прогноз параметрлари (115,0% ва 114,3%) таъминланди.

Худудлар бўйича кўрилганда, чакана савдо айланмаси Наманган шаҳри (ўсиш суръати 118,1%), Косонсой (124,0%), Тўрақўрғон (126,0%) ва Наманган туманларида (155,1%), пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми Наманган (135,5%) ва Чуст (130,8%) туманларида ўсиш суръатлари юқори бўлди.

Аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси 1168,2 минг сўм, пуллик хизмат 433,8 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 16,1 ва 16,5 фоизга кўпайди.

2012-2015 йилларда Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари Дастурига асосан вилоятда 2013 йилда 2 та гўштни, 7 та сутни ва 7 та мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш лойиҳалари амалга ошириш ва бу мақсадларга 5,6 млрд.сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

2013 йил давомида **14 та** янги қайта ишлаш корхоналари ташкил этилди, **19 та** корхоналарнинг мавжуд қувватлари модернизация ва реконструкция қилинди **жами 33 та** лойиҳалар амалга оширилиб, **4637,0 млн.сўм** (шундан, 3490,4 млн.сўм ташаббускор ва 1146,6 млн.сўм банк кредит) маблағлар сарфланди. Булар натижасида **428 та** янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, дастур доирасида йиллик қайта ишлаш қуввати 920 тонна бўлган 5 та сутни, 2 та гўштни (152 тонна), 7 та мева-сабзавотни (9800 тонна) қайта ишлаш ва 2 та асал қадоклаш (150 тонна) ва қўшимча 5 та сутни (645 тонна), 2 та гўштни (40 тонна), 9 та мева-сабзавотни (4220 тонна), 1 та кунгабоқарни (1000 тонна) қайта ишлаш лойиҳалари амалга оширилди.

Мисол учун, Дастурга асосан Наманган шаҳридаги “Афруз Камол Наби” МЧЖда мева-сабзавотни қайта ишлаш корхонасида модернизация тардбирлари амалга оширилиб, мева-сабзавот маҳсулотларини қуриштириш технологиясини олиб келиб ўрнатилган ҳамда қўшимча 8 та янги иш ўринлари яратилган.

Косонсой туманида “Чашмаи Сафед” ФХда 350 тонна ва Поп туманида “Нуроний Зафар Жўраев” МЧЖ томонидан 50 тонна, Наманган шаҳридаги “ASIL-SHARO GO'SHT MAHSULOTLARI” ХКда 20 тонна сутни қайта ишлаш линиялари реконструкция ва модернизация қилинган.

Дастурдан ташқари, Чортоқ туманида “Акбар Мубина Амир” МЧЖ (йиллик қуввати 30 тн), Попда “Санг Чашмаси” ХК (85 тн), Тўрақўрғонда “Шаҳанд-Жавоҳир-сервис” МЧЖ (300 тн) ва Уйчида “Турақўрғон чорва маҳсулот” ФХ (200 тн) лар томонидан сутни ҳамда Учқўрғонда “Азиз бобо” ФХ (1000 тн), Чустда “Чуст Агромир” ҚК (200 тн), Янгиқўрғонда “Абдулазиз Азизбек Севара” МЧЖ (100 тн), “GOLD ZARKENT MAX” МЧЖ (200 тн) лар томонидан мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш корхоналари ишга туширилиб, мавжуд қувватлари реконструкция ва модернизация қилинган.

Наманган вилоятининг 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

(Хажм - жорий нархларда, фоизлар - солиштирма нархларда)

2.1.1 -жадвал

№	Шаҳар ва туманлар номи	Саноат ишлаб чиқариш		ХИМ ишлаб чиқариш хажми		Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти		Пудрат ишлари		Чакана савдо		Пуллик хизмат	
		млрд.сўм	2012 й. якунига нисбатан %да	млрд.сўм	2012 й. якунига нисбатан %да	млрд.сўм	2012 й. якунига нисбатан %да	млрд.сўм	2012 й. якунига нисбатан %да	млрд.сўм	2012 й. якунига нисбатан %да	млрд.сўм	2012 й. якунига нисбатан %да
Вилоят бўйича		1629,6	112,5	1013,9	113,9	2429,2	108,1	726,7	116,1	2898,6	117,1	1076,5	119,3
1	Наманган ш.	678,0	107,8	496,4	110,0	176,4	107,9	150,5	101,8	1103,1	118,1	665,8	116,4
2	Мингбулоқ	43,9	106,4	6,4	105,0	134,7	105,9	24,6	105,8	97,7	109,5	20,9	115,4
3	Косонсой	40,0	115,2	25,9	128,8	127,8	108,0	55,7	137,3	140,1	124,0	37,1	121,8
4	Наманган	147,0	125,8	112,9	117,6	226,9	106,4	62,9	117,9	162,3	155,1	50,2	135,5
5	Норин	69,3	138,0	35,3	123,1	145,9	107,8	34,2	117,3	159,4	116,2	30,6	132,9
6	Поп	96,1	108,1	44,6	109,9	159,9	108,4	60,1	114,0	173,8	100,7	40,2	123,4
7	Тўрақўрғон	75,8	107,2	36,1	118,2	203,2	109,3	62,7	134,0	207,1	126,0	37,5	123,7
8	Уйчи	121,8	133,4	31,0	111,7	177,3	108,2	77,8	122,0	98,0	101,5	32,3	125,8
9	Учқўрғон	155,9	105,6	102,3	109,1	191,1	107,1	39,2	123,8	162,8	111,9	30,0	111,8
10	Чортоқ	21,6	124,1	20,6	130,7	204,7	110,3	62,5	112,0	106,6	116,3	39,9	115,5
11	Чуст	70,7	113,4	49,3	138,9	242,1	109,6	50,6	121,4	319,5	109,9	55,5	130,8
12	Янгиқўрғон	40,1	121,0	53,1	120,3	439,1	109,4	45,8	115,7	168,1	123,1	36,5	124,9

2.2. Наманган вилояти ишлаб чиқариш корхоналарида экспорт фаолияти самарадорлигини таҳлили

Бугунги кунда мамлакатимизда изчил амалга ошираётган иқтисодий ислохотлар туфайли мавжуд ишлаб чиқариш корхоналари техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб модернизация қилинмоқда. Шу билан бирга жойларда янги-янги қувватлар ишга туширилмоқда. Бу эса юқорида таъкидлаб ўтганимиздек ўз навбатида нафақат ички бозоримизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, балки экспортбоп ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

Вилоятда 2013 йил якуни билан 263,8 млн. долларлик (2012 йилга нисбатан 114,3%) ташқи савдо амаллари бажарилиб, шундан экспорт 102,5 млн.долларни (117,8%), импорт 161,3 млн. долларни (112,1%) ташкил этди.

Худудий экспорт дастурига асосан минтақа тасарруфидаги экспортёр корхоналар томонидан 2013 йил якуни билан 33,3 млн.долларлик товар ва хизматлар экспорт қилиниб, ўсиш суръати 2012 йилга нисбатан 1,8 мартага, белгиланган прогнозга нисбатан эса 101,6 фоизга бажарилиши таъминланди.

Жумладан “Само текстил сервис” МЧЖда 2543,3 минг доллар (142,5%), “Афруз Камол Наби” МЧЖ 330,9 минг доллар (132,4 %), “Zamin Lyuks tekstil” МЧЖ 433,4 минг доллар (194,0%), “Ифтихор кийим саноат” МЧЖ 266,4 минг доллар (183,7%), “Истиқлол Текстил Дизайн” МЧЖда 370,0 минг доллар (112,1%) корхоналари томонидан экспорт прогнози ортиғи билан бажарилди.

Вилоятда экспорт фаолиятини юритувчи корхоналарнинг сафи барқарор ўсиб бормоқда. 2012 йилда экспорт амалларини бажарувчи корхоналар сони 82 тани ташкил этган бўлса, 2013 йил якуни билан уларнинг сони 12 тага ортиб, 94 тани ташкил этган.

Ҳисобот даврида вилоятдаги экспортёр корхоналар сони ортиши билан бир қаторда янги турдаги маҳсулотларни экспортга чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Хусусан, 2013 йилдан бошлаб вилоятдаги “Нам лидер литё сервис” МЧЖда (44,9 минг доллар) алюмин профиллар, “Иронлит” МЧЖда печлар учун темир колонналар (20,4 минг доллар), “Рост Строй Инвест” МЧЖда (564,2 минг доллар) гипс маҳсулотлари, “Голден Ринг” ХКда махсус кийим кечаклар (27,9 минг доллар) ва “Натурал Джус” МЧЖда (495,1 минг доллар) томат пастаси, “Намсиб Агробизнес” ҚКда бодом, ёнғок уруғидан ёғ (15,8 минг доллар) каби янги турдаги маҳсулотларни экспортга чиқариш йўлга қўйилган.

**Наманган вилоятининг 2013 йилда экспорт ва импорт кўрсаткичларининг
иқтисодий таҳлили**

(Хажм - жорий нархларда, фоизлар - солишпирма нархларда)

2.2.1-жадвал

№	Шаҳар ва туманлар номи	Экспорт*		Импорт*	
		млн. АҚШ долл	2012 й. яқунига нисбатан %да	млн. АҚШ долл	2012 й. яқунига нисбатан %да
Вилоят бўйича		102500,0	117,8	161300,0	112,1
1	Наманган ш.	42598,4	121,1	84280,7	86,2
2	Мингбулоқ	139,9	27,9 м.	15,0	
3	Косонсой	778,6	163,8	3234,9	316,6
4	Наманган	11031,5	61,1	23250,7	242,3
5	Норин	125,0	64,2	1523,8	1604,0
6	Поп	8750,5	72,3	2249,6	98,5
7	Тўрақўрғон	12409,4	166,2	3847,3	108,1
8	Уйчи	9842,2	195,8	10841,6	199,1
9	Учқўрғон	26,7	17,8 м.	695,2	18,0
10	Чортоқ	689,0	116,5	1840,0	84,5
11	Чуст	7667,7	119,7	5068,9	119,5
12	Янгиқўрғон	596,0	195,9	1429,2	325,6

*- Худудларга тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олинган ҳолда.

**Наманган вилоятининг 2013 йилда ташқи савдо айланмаси
кўрсаткичларининг таҳлили**

2.2.2-жадвал

№	Шаҳар ва туманлар номи	Ташқи савдо айланмаси, минг АҚШ долл.*	2012 йил якунига нисбатан % ҳисобида	Экспорт, минг АҚШ долл.	2012 йил якунига нисбатан % ҳисобида	Импорт, минг АҚШ долл.	2012 йил якунига нисбатан % ҳисобида
Вилоят бўйича		263800,0	114,3	102500,0	117,8	161300,0	112,1
1	Наманган ш.	126879,1	95,5	42598,4	121,1	84280,7	86,2
2	Мингбулоқ	154,9	30,9 м.	139,9	27,9 м.	15,0	
3	Косонсой	4013,5	2,7 м.	778,6	163,8	3234,9	316,6
4	Наманган	34282,3	124,0	11031,5	61,1	23250,7	242,3
5	Норин	1648,8	5,7 м.	125,0	64,2	1523,8	1604,0
6	Поп	11000,1	76,4	8750,5	72,3	2249,6	98,5
7	Тўрақўрғон	16256,7	147,5	12409,4	166,2	3847,3	108,1
8	Уйчи	20683,8	197,5	9842,2	195,8	10841,6	199,1
9	Учқўрғон	721,9	18,7	26,7	17,8 м.	695,2	18,0
10	Чортоқ	2529,0	91,3	689,0	116,5	1840,0	84,5
11	Чуст	12736,5	119,6	7667,7	119,7	5068,9	119,5
12	Янгиқўрғон	2025,2	2,7 м.	596,0	195,9	1429,2	325,6


Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 263786,0 минг АҚШ долларини ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,3 фоизни, шу жумладан экспорт 102506,2 минг АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 117,8 фоизни, импорт 161279,8 минг АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 112,1 фоизни ташкил этди.

Наманган вилоятининг ташқи савдо айланмаси кўрсаткичлари таҳлили

2.2.3-жадвал

(минг АҚШ dollari)			
	январ-декабр		2012 йил январ-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
	2012 й.	2013 й.	
Ташқи савдо айланмаси	230881,3	263786,0	114,3

(минг АҚШ доллари)			
	январ-декабр		2012 йил январ-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
	2012 й.	2013 й.	
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	104923,5	109955,7	104,8
бошқа хориж мамлакатлари	125957,2	153830,3	122,1
Экспорт	87023,9	102506,2	117,8
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	52115,5	61072,1	117,2
бошқа хориж мамлакатлари	34908,4	41434,1	118,7
Импорт	143857,5	161279,8	112,1
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	52808,0	48883,6	92,6
Бошқа хориж мамлакатлари	91049,6	112396,2	123,4




2.2.1-диаграмма. Ташқи савдо айланишида МДХ ва бошқа хориж мамлакатларининг улуши

Экспорт ва импорт ҳажми таркибидаги ўзгаришлар динамикаси

2.2.4-жадвал.

	Экспорт ва импорт умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмдаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2012 йил	2013 йил	2012 йил январ-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт таркиби	100,0	100,0	117,8
пахта толаси	9,2	0,8	10,4
озик-овқат маҳсулотлари	18,3	14,9	95,8
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	0,2	0,0	0,0
қора ва рангли металллар	0,4	0,3	92,0
машина ва ускуналар	0,6	0,5	111,2
хизматлар	14,2	13,2	109,1
бошқалар	57,0	70,3	145,1
Импорт таркиби	100,0	100,0	112,1
озик-овқат маҳсулотлари	15,4	10,6	77,3
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	25,6	28,3	123,6
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	0,6	0,6	112,4
қора ва рангли металллар	7,8	7,6	107,9
машина ва ускуналар	42,1	39,2	104,4
хизматлар	0,6	1,8	324,5
бошқалар	7,8	11,9	170,5



**2.2.2-диаграмма. Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби
(умумий хажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**


**Вилоятнинг ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган
давлатлар билан товар айланмаси**

2.2.4-жадвал



	Вилоятнинг ташқи товар айланмасидаги улуши, фоиз ҳисобида	2012 йил январ-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Белоруссия	1,1	127,0
Эрон	0,3	88,7
Қозоғистон	4,5	62,6
Хитой	24,4	169,5
Россия	30,8	114,1
Туркия	8,6	166,7
Украина	3,2	61,6
Германия	2,9	106,3
Нидерландия	0,9	105,8
Швейцария	1,0	220,5
Корея	7,3	74,1
Қирғизистон	1,0	221,4

Ҳисобот даврида вилоят жаҳоннинг 75 дан ортиқ мамлакати билан ташқи савдо операцияларини амалга оширди ва 30 дан ортиқ мамлакат билан ижобий сальдога эга бўлди.

Экспорт



Импорт



2.2.3-диаграмма. 2013 йил январ-декабр ойида МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо айланмаси таркиби

III-боб. Мамлакатни модернизация қилиш даврида экспортни ривожлантириш босқичлари, муаммолари ва истикболлари

3.1. Ташқи савдо фаолияти билан шуғулланаётган кўшма корхоналарда экспортни ривожлантириш босқичлари, муаммолари ва истикболлари

Ҳозирги пайтда бирон давлатдаги иқтисодий ўсиш ва халқнинг фаровонлиги кўп жиҳатдан ўша давлатнинг халқаро савдо ва халқаро меҳнат тақсимооти афзалликларидан нақадар унумли фойдаланаётганлигига боғлиқ. Шу маънода давлатнинг ташқи савдони халқнинг даромади манбаига айлантириш имконияти асосан ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатига боғлиқ. Ўзбекистон ижтимоий – иқтисодий тараққиётининг айти палласида экспорт ҳажми ва салоҳиятини ошириш бир неча сабабга кўра муҳим аҳамият касб этади⁷. Биринчидан, экспортни ривожлантириш ички бозордаги чегараланган имкониятлардан ташқари тақлиф бозори ҳажмини ташқи омиллар эвазига кенгайтириш имконини беради. Бу эса миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Мазкур омилнинг долзарблигини шу билан изоҳлаш мумкинки, бир тарафдан, мустақилликка эришгунга қадар мамлакатдаги деярли барча корхоналар нафақат Ўзбекистон, балки собиқ Совет иттифоқининг бошқа республикалари эҳтиёжини ҳам қондиришга қаратилган ҳолда тузилган бўлса, бошқа тарафдан, мустақиллик йилларида ташқил этилган кўпгина корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ҳам (асосан текстиль, автомобиль, кимё саноати ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида) ички талабнигина эмас, балки ташқи дунё эҳтиёжини ҳам қондиришга йўналтирилган. Бироқ айти пайтда мазкур корхоналарнинг ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланилмаётгани ва уларнинг бир қатор маҳсулотлари ички бозор ҳажмининг чегараланганлиги ва ушбу соҳада мавжуд муаммолар туфайли экспортнинг ҳам чегараланганлиги учун ўз рақобатбардошлигини йўқотмоқда. Демак, мазкур корхоналарда мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш ва шу аснода рақобатбардошликка эришиш кўп жиҳатдан келажакда бу маҳсулотлар экспорти кўламини ошириш билан боғлиқдир. Айти пайтда яна бир омилни ҳисобга олиш керакки, ҳозирги даврда иқтисодиётнинг деярли кўпгина тармоқларида рақобатбардошликка эришиш фақатгина оммавий ишлаб чиқариш (кўлам таъсири) эвазига бўлиши мумкин. Бу эса нафақат ички, балки ташқи бозор талаби ҳам аввалдан ҳисобга олинган тармоқларда ишлаб чиқаришни ташқил этиш кераклигини назарда тутади. Иккинчидан, экспорт фаолияти даврида миллий ишлаб чиқарувчилар ташқи бозорда чет эллик ишлаб чиқарувчилар томонидан жиддий рақобатга дуч келадилар. Бу ҳолат уларни доимо ишлаб чиқаришни замон талабларга мос тарзда жорий этиш, янги технологиядан фойдаланиш, маҳсулот ассортиментини янгилаб туриш ва унинг таннарини пасайтиришга ундайди. Демак, узоқ муддатли даврда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришнинг муҳим шарти сифатида миллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган сиёсатни айтиш мумкин.

Учинчидан, йилдан йилга Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган чет эл сармоялари кўлами ортмоқда. Бу, ўз навбатида, келажакда сармоя сиёсати билан боғлиқ бўлган сармоявий маҳсулотлар импорти (бунга маънавий ва моддий эскириш натижасида техника ва технологияни янгилаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш каби амалларни мисол

⁷ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: қтисодиёт. - 2011. – 377 бет.

қилиш мумкин), чет эл сармояси киритилган корхоналар фойдасини репатриация қилиш, фойиз ва дивидендларни тўлаш, ташқи қарзни узиш ва бошқа харажатларнинг ошишига сабаб бўлади. Мазкур чикимларни қоплашнинг асосий манбаи экспорт тушуми бўлганлиги сабабли тўлов баланси ва макроиқтисодий барқарорликнинг келажақтаги ҳолати кўп жиҳатдан мамлакатнинг экспорт имкониятларини кенгайтиришга боғлиқ бўлади.

Тўртинчидан, иқтисодиётда таркибий қайта қуришни амалга ошириш ҳамда жами экспорт ва ишлаб чиқаришда қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар салмоғини ошириш иқтисодиётни технологик жиҳатдан модернизация қилиш масаласига бориб тақалади. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун сармоявий маҳсулотлар импорти ҳажмини сезиларли даражада ошириш керак. Бундай маҳсулотлар импорти харажатларини қоплашнинг асосий

манбаи эса экспорт бўлганлиги учун мазкур масаланинг ечими ҳам экспортни ривожлантириш, уни жадаллаштиришга боғлиқ.

Бешинчидан, жаҳон тажрибасига кўра, экспортни рағбатлантириш сиёсати импорт ўрнини босиш сиёсатига нисбатан анчайин самаралироқ. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва аҳоли реал даромадларини сезиларли даражада оширишга фақатгина импорт ўрнини босиш сиёсатидан воз кечиб, экспортни рағбатлантириш сиёсатига урғу бергандагина эришиш мумкин. Кўп мамлакатлар иқтисодий ривожланишда кучли протекционизм ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш босқичидан ўтадилар, кейин эса аста-секин экспортга йўналиш томонга силжийдилар. Кўпинча импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш иқтисодий мустақилликка эришишнинг усули бўлиб хизмат қилади.

Мамлакат иқтисодий ўсишининг юқори ва барқарор суръатларига эришишни истар экан, аста-секин экспортга йўналтирилган иқтисодий сиёсатга ўтиш муқаррардир. Шу билан бирга, экспортга йўналтирилган стратегияни шакллантириш учун обдон тайёргарлик кўриш кераклигини таъкидлаш лозим. Бозор тамойиллари бўш ривожланган иқтисодиётларда протекционизмни бартараф қилиш ресурсларнинг экспортга йўналтирилишига эмас, улардан тўла фойдаланмасликка олиб келади. Тузилмани муваффақиятли тартибга солиш учун инвестициялар талаб қилинади, бироқ тадбиркорлар, шу жумладан кичик бизнес, иқтисодий кўрсаткичлар зарур йўналишда силжиш мумкинлигидан далолат бермагунча, ўзлари ҳохлаган секторга ҳам маблағ ўтказишлари амри маҳол. Бугунги кунда экспортни ривожлантириш бу макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, инвестицион фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган давлатнинг умумий иқтисодий сиёсатининг ажралмас бир қисмидир.

Экспортни кенгайтириш — республикага эркин муомаладаги валютанинг кириб келишини кучайтириш ҳамда миллий валютани мустаҳкамлаш демакдир. Бу корхоналар эҳтиёжманд бўлган янги технологиялар ҳам демакдир. Бу ижтимоий масалаларни ҳал этиш — иш ҳақини ошириш, ижтимоий инфраструктурани кенгайтириш демакдир. Бу ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб туришни кучли тарзда рағбатлантириш демакдир. Бир сўз билан айтганда, экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни хартомонлама рағбатлантириш ва миллий валютамининг барқарорлигини таъминлаш: бугунги кунда энг долзарб бўлиб, уни ҳал этмасдан иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳақида сўз юритиб бўлмайди.

Экспорт салоҳиятини юксалтириш, унинг ҳажмини ошириш, таркибини такомиллаштириш, географиясини кенгайтириш муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб, бир вақтнинг ўзида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг мураккаб вазифалари қаторига киради.

Мамлакатимизда экспортни ривожлантириш хусусиятлари ва муаммоларини ёритиб бериш мақсадида 2005-2009 йилларда ташқи савдонинг ривожланиши, хусусан экспорт ҳажми, таркиби ва географиясидаги ўзгаришларни (динамикасини) кўриб чиқиб, уларнинг

ривожланишига тўсқинлик қилаётган сабабларни аниқлашга ҳаракат қилайлик.

Ўзбекистон ҳомашё ва табиий ресурслар етказиб берувчи мамлакатлигича қолишида давом этса, стратегия нуқтаи назардан ташқи бозорга қарамликка маҳкум бўлиши табиий. Экспортга фақат ҳомашё ва табиий ресурслар чиқарилса, бундай шароитда миллий ҳўжаликнинг заифлиги ортади. Негаки унинг самарадорлиги кўпроқ жаҳон ҳомашё

бозорларининг конъюнктурасига боғлиқ бўлиб келади. Бу бозорнинг аҳволи эса унчалик барқарор эмас. Кейинги пайтда пахта толаси, энергетика, қора ва рангли металллар, олтин, минерал ўғитлар бозорлари конъюнктурасининг ёмонлашуви мамлакатимиз иқтисодиётига ўзининг бевосита таъсирини ўтказмоқда. Чунки ҳозирги кунда ҳам республика экспортининг 50 фоизга яқинини ана шу маҳсулотлар ташкил этади.

Маълумки, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти экспорт ҳажмини тўхтовсиз ошириб бориш имкониятини беради. Бу борада ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири экспортнинг маҳсулот ва хизматлар таркиби ҳисобланади. Собиқ Иттифок доирасидаги меҳнат тақсимотига кўра Ўзбекистонга ҳомашё базаси роли берилганлиги республикаимиз экспорт товар таркибида ўз аксини топганлиги ҳаммага маълум. Мустақиллик йиларида ҳомашё товарларининг экспортини

сезиларли даражада қискартиришга эришилган бўлса ҳам, ҳамон экспорт номенклатурасида ҳомашё ҳамда тўлиқ қайта ишланмаган товарлар устунлик қилмоқда ва устига устак, уларнинг сифати ҳам жаҳон стандартларига тўғри келмайди.

Жаҳон тажрибасининг гувоҳлик беришича, бир турдаги маҳсулотни кўплаб миқдорда экспорт қилишга мослашиш мамлакат иқтисодиётини ушбу маҳсулотнинг жаҳон бозори конъюнктурасига боғлиқ қилиб қўяди⁸.

Ҳукуматимизнинг босқичма-босқич олиб бораётган ташқи савдо алоқалари натижасида Ўзбекистон экспортида мустақиллик йилларида сезиларли таркибий ўзгаришларга эришилди.

Юқорида келтирилган баъзи ижобий ўзгаришларга қарамай, экспортда ҳамон ҳомашёнинг улуши юқорилигича сақланиб келмоқда. Экспортнинг салмоқли қисмини, маълумки, пахта толаси, энергетика ресурслари ҳамда қора ва рангли металллар ташкил этади. Масалан, ушбу учта асосий экспорт қилинадиган ҳомашёнинг улуши 2000 йил умумий экспорт ҳажмида 44,4 фоизни ташкил этади. Мутасадди ташкилотларнинг ҳисоб-китобларига кўра, жаҳон нархларининг пасайиши оқибатида 1998 йилнинг ўзида республикаимиз таҳминан 170-180 млн. АҚШ доллари миқдорида валюта тушумларини йўқотди. Бундан ташқари, ушбу жаҳон ҳомашё бозорларининг беқарорлиги экспортни амалга оширишда уларга мослашишни ва атайлаб бу маҳсулотларнинг экспорт миқдорини камайитишни тақозо этади. Шунга

кўра 1998 йилнинг ўзидагина экспорт ҳажми ўртача 130 млн. АҚШ долларида қискарди. Экспортнинг ривожланишга салбий таъсир кўрсатадиган бошқа омилардан яна бири бу экспорт номенклатураси таркибининг торлиги ва деярли ўзгармаслиги шароитида айрим экспорт ҳомашё маҳсулотларининг ҳажмини ошира боришдир. Бунинг оқибатида, яъни маълум бир товарга экспорт таклифининг оширилиши натижасида нархларнинг тушиши ва экспорт самарадорлигининг камайиши кузатилади ва бу, ўз навбатида, республика валюта тушумлари ҳажмига путур етказди. Шу билан бир қаторда экспорт номенклатураси ҳам етарлича кенг қамровли эмас. Ўзбекистоннинг экспорт

⁸ Манба: Фомичев В.И. Международная торговля: Учебник; 2-е изд., перераб. и доп. -М.: ИНФРА-М, 2001.стр. 314.

номенклатураси атиги 300 турдаги товарларни ўз ичига олади. Агар ушбу кўрсаткични солиштирадиган бўлсак, Хитой 50000 – турдаги товарларни экспорт қилади^{9.1}

Бу маълумотлар Ўзбекистоннинг экспорт товарлари таркибининг нихоятда торлигини ҳамда миллий иқтисодийтимиз ҳамон хомашё бозорларига сезиларли даражада боғлиқлигини кўрсатади.

Ушбу масалада, фақат хомашё экспортигагина таяниш мумкинми, деган савол туғилади. Албатта, мамлакатнинг хомашё ресурсларига бойлиги, унинг жаҳон бозорларида нисбатан осон сотилиши нуқтаи назаридан афзалликка эгалигини тан олиш керак. Лекин, мамлакатнинг хомашё ресурсларига бойлиги бир қатор сабабларга кўра иқтисодийнинг, жумладан ташқи савдонинг ижобий ривожланишига етарли асос бўла олмайди:

-биринчидан, хомашё экспорт қилувчи мамлакат жаҳон хомашё бозорлари конъюнктураси ва нархлар динамикасига боғлиқ бўлади;

-иккинчидан, хомашё экспорти нисбатан юқори бўлмаган қўшимча; (устама) яратилган қиймат билан боғлиқ бўлиб, хомашёнинг баҳоси унинг табиий танқислигига (чекланганлигига) асосланган бўлади;

-учинчидан, Ўзбекистоннинг хомашёга бойлиги руҳий жиҳатдан юқори қийматли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этишга булган ҳаракатга путур етказиши мумкин.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, мамлакат экспорти асосан айрим турдаги товарлар ёки хомашёга боғлиқ бўлса, уларга бўлган жаҳон бозори конъюнктурасининг салгина ўзгариши (пасайиши) ҳам мамлакат экспорт тушумларининг кескин қисқаришига олиб келади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун, бир томондан, экспорт номенклатурасини кенгайтириш ва умумий экспортда ҳар бир турдаги хомашё маҳсулоти улушини қисқартиришга эришиш муҳим бўлса, бошқа томондан, халқаро хомашё экспортидаги Ўзбекистоннинг ҳиссаси салмоқли эканидан фойдаланиб, экспортимизнинг асосини ташкил этувчи хомашё жаҳон бозорлари конъюнктурасига таъсир эта олишни, уни бошқаришни ўрганишимиз ва бунга эришишимиз керак.

Ўзбекистан экспортида узоқ хорижий давлатлар улушининг ўсишига олиб келадиган сабаблардан яна бири бу жаҳон нархлари даражаси ва МДХ бозорларидаги нархлар ўртасидаги фарқларнинг мавжудлигидир. МДХ бозорларида нархлар жаҳон нархларидан паст бўлган товарлар экспорти узоқ хорижий давлатлар бозорларига фаол суръатларда кўчиб бормоқда. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида экспортни, унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ривожлантиришга, яъни ҳажмини кўпайтириш, географиясини ва таркибини бирмунча кенгайтиришга эришилганлигини намоён этмоқда. Лекин шу билан бирга экспорт ҳажмининг 1997 йилдан бошланган пасайиш тенденцияси, таркибида хали ҳам хомашё улушининг катталиги бу соҳада муаммолар ҳам мавжудлигидан далолат беради.

Экспортни ривожлантиришни секинлаштирадиган муаммолар, маълумки, қуйидаги асосий омиллар билан белгиланади:

- ташқи бозорга ишлайдиган корхоналарни молиявий қўллаб- қувватловчи молия кредит секторнинг етарли ривожланмаганлиги;

- нархлар эркин бўлган бир шароитда кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқариш монополиясининг сақланиб қолиши корхоналарга истаганча нарх қўйиш имконини бермоқда. Улар бундай шароитда ўз маҳсулотларини ички бозорда сотишдан кўпроқ манфаатдордирлар;

- хусусий секторнинг суст ривожланганлиги ва унинг экспортдаги улушининг сезиларли эмаслиги;

⁹ Манба: Фомичев В.И. Международная торговля: Учебник; 2-е изд., перераб. и доп. -М.: ИНФРА-М, 2001.стр. 315

- экспорт қилинадиган маҳсулотлар нархининг қимматлашишига сабаб бўлаётган ҳамда уни иқтисодий жиҳатдан фойдасиз қилиб қўяётган аксарият қисми тарифлар жуда юқори бўлган мавжуд юк ташиш тизими;
- кўпгина корхоналарнинг фаол ташқи иқтисодий сиёсатга эга эмаслиги: бу маркетинг тадқиқотлари ва реклама ишларини жуда заиф равишда ташкил этилганлигида кўзга ташланмоқда;
- экспорт маҳсулотларини кўпайтириш учун яхши имкониятга эга бўлган айрим корхоналарда зарур айланма маблағлар ва сармояларнинг йўқлиги;
- экспортдан тушадиган валюта тушумининг давлатга мажбурий сотиш ставкасининг юқорилиги, миллий валюта расмий курсининг юқори қилиб белгиланганлиги;
- кўпгина тайёр маҳсулот турларини ишлаб чиқаришнинг алмисокдан қолган технологияларидир. Улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг серхаражатлилиги, кўп материал ва энергия талаб қилиши билан ажралиб туради. Натижада кўпгина маҳсулот турлари таннархининг жаҳондаги шундай маҳсулотлар таннарихидан анча юқорилиги уларни рақобатга бардошсиз қилиб қўймоқда;
- экспорт қилувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва экспортга қўмаклашиш тизимининг етарли эмаслиги.

Ушбу санаб ўтилган, экспортнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни тартибга солишда ва бартараф этишда, шубҳасиз, давлатнинг асосий роли иқтисодиётни эркинлаштириши жаддаллаштириш ҳамда экспортни тартибга солувчи, рағбатлантирувчи ягона давлат тизимини ва экспортга қўмаклашиш аниқ чора-тадбирлари механизмини барпо этишда намоён бўлиши керак.

учинчидан, инсон омилини ривожлантириш экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бу эса турли бўғинлардаги мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш вазифасини ўз зиммасига олиши лозимлигини билдиради. Бунинг учун ишчиларнинг билимлари ва касб малакаларини такомиллаштириш, ишчиларни тайёрлаш замонавий техника ва технологияларда амалга оширилиши керак;

тўртинчидан, экспорт салоҳиятини рағбатлантириш мақсадида турли муруватлардан фойдаланиш зарур. Биринчи навбатда, унча узоқ бўлмаган муддатга экспорт субсидиялари киритиш лозим. Аммо бундай субсидиялар уларни амалга ошириш учун қилинадиган бюджет харажатларини кўпайтирмаслиги керак. Экспортни рағбатлантиришнинг энг қулай шакли эркин иқтисодий зоналар ҳисобланади,

бешинчидан, қулай муҳит шароитлари ва аҳолининг анъанавий малакаларидан мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантиришда кенг фойдаланиш зарур. Бунда аҳолининг мева ва сабзавот етиштириши бўйича малакалари назарда тутилмоқда. Бизнингча, Ўзбекистон Европа Иттифоқи учун сабзавотларни етказиб берувчи асосий мамлакат бўлган

Португалиянинг тажрибасини ўрганиши керак. Бу тажрибани қўллаш Ўзбекистонда ҳам экспортга йил давомида сабзавот етказиб берувчи бутун бир соҳани яратиш имконини беради. Етиштирилган маҳсулот Ўзбекистон мева ва сабзавотларининг анъанавий истеъмолчилари бўлган Қозоғистон, Россиянинг Сибирь, Урал ва бошқа минтақаларига етказиб берилиши керак.

Мева ва сабзавот ишлаб чиқариш мамлакат экспорт салоҳиятини олдинга тортувчи локомотивга айланиши керак. Шунинг учун ишлаб чиқаришнинг бу турига жуда катта эътибор бериш ва давлат ёрдами кўрсатиш зарур. Экспортга йўналтирилган иқтисодиётни яратиш стратегиясини амалга оширишнинг 2-босқичида экспорт салоҳиятини, айниқса, саноатнинг қайта ишлаш соҳаларида, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон иқтисодиётини технологик жиҳатдан модернизация қилиш бўйича ўтказиладиган тузилмавий ўзгаришларнинг энг муҳим элементига айланиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ошириш ва ўзбек корхоналари маҳсулотларининг дунё бозорига муваффақиятли кириб боришини таъминлаш учун ташқи савдо соҳасини эркинлаштиришдан ташқари, бу фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилиши керак. Бизнингча, бу тадбирлар сирасига қуйидагилар киради:

- корхоналарни тузилмавий қайта қуриш ва техник модернизациялаш учун зарур ҳажмда молиявий воситалар ажратиш;
- экспортни кафолатлаш ва суғурта қилиш жамғармалари ташкил қилиш учун маблағ ажратиш;
- ҳар бир вилоят ва йирик шаҳарда маркетинг тадқиқотлари марказлари очиб уларнинг фаолиятини дунё бозорига рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва реклама хизмати кўрсатишга йўналтириш;
- биринчи навбатда, харидорлари ҳали ўзбек маҳсулотларини унутиб улгурмаган МДХ мамлакатларида дилерлар, савдо уйлари ва консигнация омборларнинг кенг тармоғини яратиш.

Экспорт қилинаётган товарларнинг энг катта улуши "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзкимёсаноат" ассоциациялари маҳсулотига тўғри келишини, бу ички ва дунё бозори талаблари билан белгиланганини назарда тутиб, келажакда ҳам шу соҳаларга чет эл инвестицияларини жалб қилишни давом эттириш мақсадга мувофиқдир. Экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг ҳаражат таркибини таҳлил қилиш экспортнинг энг маъқул номенклатурасига қайта ишловчи соҳалар ва енгил саноат маҳсулотларини киритиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришда импорт қилинаётган бутловчи қисмлар ҳажми экспорт нархининг тўртдан бир қисмидан ортмайди ва бу маҳсулотни экспорт қилиш самарадорлигини таъминлайди. Шу сабабли мана шу соҳалар, айниқса, енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилишни қўпайтиришнинг янги имкониятларини топиш мақсадга мувофиқ. Енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилишнинг янги шаклларида бири аҳолининг асрлар давомида тўплаган тажрибаси борлигини ҳисобга олиб, кийим ва пойафзал тикадиган корхоналар ташкил қилиш бўлиши мумкин.

Ёкилғи – энергетика мажмуининг мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш бўйича бундан кейинги фаолияти энергия ташувчилар, айниқса, газ қазиб олиш ва қайта ишлашни қўпайтиришга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни яқунлаш ва янги конларни ўзлаштиришдан иборат бўлиши керак. Ёкилғи – энергетика мажмуи экспорт салоҳиятини 2005 йилда 0,5 млрд, 2012 йилда эса 1,7 млрд. АҚШ доллариغا етказиш кўзда тутилмоқда. Яқин келажакда машинасозлик корхоналари экспорт салоҳиятини замонавий музлаткичлар, қишлоқ хўжалиги учун машиналар, янги енгил автомобилар, қўрғошинли аккумуляторлар, автомобил двигателлари ва бошқа маҳсулотлар ҳисобига ошириш кўзда тутилмоқда. Машинасозлик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми 2012 йилда эса 5,2 млрд АҚШ долларини ташкил қилиш мўлжалланган¹⁰.

Ўзбекистон экспорт салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат кўрсатиш соҳаси, аввало, Тошкент аэропорти базасида халқаро юк ташиш марказини ташкил қилиш орқали ўз хиссасини қўшиши керак. Туризмни ривожлантириш ҳам валюта тушумларини қўпайтиришнинг муҳим йўналишидир.

Ўзбекистоннинг рақобат қилишдаги устунликлари экспортга йўналтирилганликни муваффақиятли ривожлантириш учун асос бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳаллий хомашёдан фойдаланадиган соҳалар каттароқ имкониятга эга. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ички хомашё ва меҳнат ресурсларини қамраб олиши мумкин бўлган кўп меҳнат ва кўп ресурс талаб қилувчи соҳалар. Тўқимачилик, химия, озиқ-овқат саноатининг баъзи турларини ҳам шуларга қўшиш мумкин;

¹⁰ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори.

- баъзи техника ва илмни кўп талаб қилувчи соҳалар. Улар ўзлари билан бошқа инвестицион лойиҳаларни чуқур ишлаб охирига етказишни тақозо қилади. Шулар жумласига биокимёвий ишлаб чиқариш (аввало, маҳаллий хомашёдан дорилар ишлаб чиқариш),

электрониканинг баъзи элементларини ишлаб чиқариш, ядро физикасининг тижорат йўналишлари, машинасозликнинг қатор йўналишларини киритиш мумкин.

Бирламчи соҳалар (қишлоқ хўжалиги, энергетика ва қазиб олиш саноати)нинг барқарор ривожланиши иқтисодий ўсишнинг муттасил давом этиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонда ЯИМ таркибида бошқа соҳаларга нисбатан катта улушга эга бўлган ва энг кўп одамни банд қилган қишлоқ хўжалик соҳаси алоҳида эътиборга лойиқ. Нархларни эркинлаштириш ва фермер хўжалиklarини ривожлантиришга қаратилган аграр ислохотлар мамлакат иқтисодининг тез ва барқарор ривожланиши учун пойдевор бўлиши керак. Шундай қилиб, яқин йиллар ичида Ўзбекистон Республикаси дунёда энг динамик ривожланаётган мамлакатлардан бирига айланиши керак. Агар иқтисодиёт ва ташқи савдони эркинлаштиришга қаратилган кечиктириб бўлмас чоралар мажмуи ишлаб чиқилса ва амалга оширса, бу мақсадга эришишимиз мумкин. Иқтисодиётни эркинлаштириш на бу жараёнга миллионлаб оддий меҳнаткашларни жалб этиш йўли билангина экспорт салоҳиятини ошириш мумкин. Шу сабабли ҳам давлат асосий эътиборни чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш йўли билан экспорт салоҳиятини ривожлантиришга қаратиши лозим.

Экспортга йўналтирилган иқтисодни ривожлантиришда муваффақиятларга эришган мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатишича, мамлакат захиралар ҳисобига эмас, балки инсон салоҳиятидан оқилона ва самарали фойдаланган тақдирдагина бойиб кетиши ва гуллаб-яшнаши мумкин. Бунинг учун эса бозор иқтисодиёти шароитида инсонга кўпроқ эркинликлар бериш керак.

3.2. Мамлакатни модернизация қилиш даврида ташқи савдо алоқаларидан самарали фойдаланиш йўллари

Экспорт диверсификацияси, яъни хорижга сотилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасининг кенгайиши, жами экспортда алоҳида товар ёки хизмат тури (айниқса, хомашё) улушининг катта бўлишига барҳам берилиши, маҳсулотларимиз экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясини кенгайтириш экспорт ҳажмининг барқарор бўлишини таъминлайди, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозордаги салбий ўзаришларга таъсирчанлиги даражасини пасайтиради.

Экспорт таркибида бир ёки бир неча товарлар улушининг сезиларли даражада ортиб кетиши бу товарлар нархи пасайган ёки уларга ташқи талаб қисқарган ҳолатларда экспортчи корхоналарни оғир ахволга солиб қўйиши мумкин. Бунинг натижасида экспорт ҳажмининг қисқариши валюта тушумларининг камайиши, ташқи савдо балансининг ёмонлашуви ва

корхоналар молиявий ахволининг тангликка юз тутишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, экспорт умумий ҳажмининг кам сонли давлатларга боғланиб қолиши ҳам қалтис ҳолат ҳисобланади.

Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хомашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ қутилиб, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак.

Президентимиз томонидан маърузада илгари сурилган тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш вазифасини амалга ошириш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташқи

бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини бартараф этиш имконини беради.

Мамлакатимизнинг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар нафақат ички бозорда, балки рақобат кураши кучайиб бораётган жаҳон бозорларида ҳам ўз ўрнини топишида модернизация жараёнлари муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқаришнинг замон талабларига жавоб беришидан корхона ва фирмалар билан бир қаторда исьтемомчилар ҳам наф қўради. Экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт қилувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гуруҳининг иқтисодийётида муаммолар рўй

берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини беради.

Ўтган йиллар мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар иқтисодийётимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, ташқи савдо таркибида ижобий силжишларга эришиш, унинг ҳажмини барқарор ўстириш имконини бермоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Бу борада янги бозорлар, янги транспорт йўлақларини топиш, бир сўз билан айтганда фаол маркетинг асосланган ташқи иқтисодий сиёсат юргизиш зарур. Республикамиз экспорти ва импортининг товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш бир қатор вазифаларнинг амалга оширилишини тақозо этади. Хорижий давлатларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган, ёки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлган маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш, бундай товарлар бозорларига кириб бориш ва рақобат қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш экспорт қилинаётган товарлар сонини ва мамлакатлар географиясини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади. Жаҳон бозорларида корхоналаримиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади:

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайитиришда қўмаклашиш;

- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истикболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириш;

- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш;

- янги транспорт йўлақларини очиш орқали транспорт харажатларини камайитириш ва ҳ.к.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, экспорт ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, умуман ташқи савдо айланмасини диверсификация қилиш иқтисодийётимиз таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада қўтариш мақсадларига хизмат қилади

Ҳозирги вақтда экспортни ошириш ва уни диверсификацияланган тузилмасини шакллантиришга муҳим аҳамият берилмоқда. Бу жиҳатдан республиканинг катта экспорт салоҳиятига эга ҳудудлари ва вилоятларини ташқи иқтисодий фаолият тизимида фаол жалб қилиш зарур. Минерал ва қишлоқ хўжалик хом - ашёсига ишлов берувчи, рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, тугалланган технологик циклга эга бўлган ишлаб чиқаришлар иқтисодийётда муҳим ўринларни эгаллаши керак. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг эркинлаштирилиши ва Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларининг стратегик йўналишлари. ҳозирги вақтда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёни республика иқтисодий тизими унумли ислоҳ қилиш жараёнининг ажралмас қисми сифатида изчил ва мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширмоқда.

Ўзбекистонда экспорт фаолияти бутунлай эркинлаштирилган. Республикада барча товар ва хизматлар учун экспорт божлари, экспортни лицензиялаш ва квоталаш тизими бекор қилинган. Импорт режими ҳам жиддий эркинлаштирилган. Ўзбекистонда импорт учун чекловлар йўқ. Ҳозирги кунда ташқи иқтисодий комплекснинг қуйидаги стратегик ва долзарб масалаларини ҳал қилиш бўйича Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги амалга оширмоқда.

Географик меҳнат тақсимоли маълум ҳудудларда саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги шу фарқларни мувофиқлаштириш, алоҳида иқтисодий районлар ёки мамлакатлар ўртасидаги муаммоларни бартараф этиш ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун хизмат қилади.

Ўзбекистонда, шунингдек, давлатларнинг ривожланганлик даражасидаги, иқтисодий ва сиёсий вазиятдаги, транспорт, географик ўрнидаги мавжуд тенденциялари ва бошқа жиҳатларга асосланилмоқда. Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси динамикасида ўсиш ҳоллари кўзга ташланади. Республикамиз экспорти ва импортининг товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш бир қатор вазифаларнинг амалга оширилишини тақозо этади.

3.3 Ўзбекистон экспортини ривожлантиришда хорижий инвестициялар иштирокида фаолият олиб бораётган корхоналарнинг ўрни

Хорижга инвестиция чиқариш фаолияти иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ компаниялари томонидан европани қайта тиклаш жараёнида воқеликка айланган. Маҳаллий тадбиркорлар хорижга инвестицияларини жойлаштиришда икки усулдан фойдаланади. Улардан биринчиси, молиявий шаклдаги портфель инвестициялар бўлиб, унда жамғарма эгалари хорижий мамлакатлардан қимматли қоғозларни харид қилади ёки маблағларни валюта ҳисобларига ва банк депозитларига жойлаштиради. Иккинчиси эса инвесторлар тўғридан-тўғри маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун хориждаги моддий ишлаб чиқариш воситаларига сармоя киритади. Иккинчи усулда хорижий мамлакатда ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилиши ёки фаолият олиб бораётган маҳаллий корхоналар сотиб олиниши мумкин.

Жаҳон амалиётида компанияларнинг ташқи бозорга чиқиш йўллари қуйидаги босқичлардан иборат. Дастлаб фирмалар товарларни экспорт қилиш орқали хориж бозорига кириб боради ва маркетинг тадқиқотларини амалга оширади. Шундан кейин тўғридан-тўғри ташқи бозорга инвестиция жойлаштириш орқали ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш ва маҳаллий арзон (ишчи кучи, хом ашёлардан) ресурслардан кенг фойдаланиш кўзда тутилади. Компанияларнинг ташқи бозорга чиқиш усулининг сўнгиси ишлаб чиқариш технологияларининг лицензияга бериш орқали амалга ошади.

Бугунги кунда ташқи инвестициялар асосида фаолият олиб борадиган компаниялар Трансмиллий ва Кўп миллатли кўринишида жаҳон миқёсида ишлаб чиқариш ва савдо фаолиятларини амалга оширмоқда. Бу компанияларнинг асосий ютуғи янги технология ихтиро қилиш ва уни амалда жорий этишда намоён бўлади. Айни вақтда бу компаниялар жаҳон ишлаб чиқаришининг йўналишини бошқариш билан бир қаторда сармоя ва меҳнат бозорларига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатиш салоҳиятига эга. Шунинг учун бу компаниялар жаҳон бозорининг глобаллашуви ва миллий хўжаликларнинг интеграциялашувида муҳим рол ўйнамоқда.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда хорижий инвестициялар жалб этиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида бевосита хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодий ва экспорт салоҳиятини оширишдаги роли ўсиб бормоқда.

Бу борада тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан,

шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан хорижий инвестициялар ҳажми кўйидагича бўлганда озод қилинади:

- 300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ долларида - 3 йил муддатга;
- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларида 10 миллион АҚШ долларида - 5 йил муддатга;
- 10 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга.

Бу йўналишда аниқ мақсадли иш олиб бориш нафақат инвестицияларни, балки энг аввало, илғор технология ва ноу-хауларни жалб этишни кўзда тутди. Улар эса Ўзбекистонга жаҳон бозорида ўз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Айтиш керакки, жиддий хорижий инвесторлар учун яратилаётган кенг истиқболлар ва имкониятлар ҳамда аниқ баён этилган тараққиёт устуворликлари етакчи трансмиллий компаниялар ва корпорацияларнинг мамлакатимизга ўз инвестицияларини олиб киришига юқори даражада интилишини таъминлайди. Сўнгги йилларда жалб этилган ҳамда изчил ва барқарор иқтисодий ўсиш, янги юқори технологияли иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли даромади даражасини кўтаришнинг ишончли манбаига айланган узоқ муддатли инвестициялар ҳажми 35 миллиард доллардан ошди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқлари бўлган нефть-газ ва нефть-кимё соҳаларида «Хитой миллий нефть корпорацияси», Жанубий Африканинг «Сасол», Малайзиянинг «Петронас», Кореянинг «Лотте», «LG international», «SK» корпорациялари, Корея миллий нефть корпорацияси, Корея миллий газ корпорацияси, Россиянинг «Газпром» ва «Лукойл», Американинг «Техасо», Япониянинг «Мицуи» ва «Марубени» корпорациялари, машинасозлик соҳасида – Американинг «Женерал Моторс», Германиянинг «МАН», Япониянинг «Исузу»; авиация инфратузилмаси ва мультимодал логистика соҳасида – Кореянинг «Кореян Эйр» ва Япониянинг «Мицубиси»; озиқ-овқат ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида – Швейцариянинг «Нестле», Англия-Американинг «ВАТ», кимё соҳасида – Испаниянинг «Максам»; тўқимачилик ва енгил саноат соҳаларида – Кореянинг «ДЭУ интернэйшнл», Ҳиндистоннинг «Спентекс», Япониянинг «Мицубиси» ва бошқа ўнлаб хорижий компаниялар, банк-молия секторида «Royal Bank of Scotland», «Корея Тараққиёт банки» ва ҳоказолар яқин шериклар ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан биргаликда фаолият олиб бораётган қўшма корхоналарнинг сони 4 мингдан ошди.

Кўрилатган кўрсаткичлар ижобий динамикага эга бўлсада, импортни экспортдан тезроқ ўсиши республикада фаолият юритаётган ХИК ларнинг экспортга йўналтирилганлик даражаси пастлигидан далолат беради. Шубҳасиз, уларнинг фаолияти ички бозорни зарур истеъмол товарлари билан тўлдириш имконини беради, аммо у ташқи бозорлар учун юқори сифатли товарларни ишлаб чиқаришни етарлича қафолатламайди. Шу боис, хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналарнинг экспортга йўналтирилганлиги даражасини ошириш улани ривожлантириш стратегиясини муҳим вазифаларидан бўлиб қолмоқда.

Кузатилаётган пассивлик ҳолати корхоналарнинг экспорт даромадлари импорт харажатларини қоплаш имкониятига эга эмас ва уларнинг валюта харажатлари бошқа манбалар ҳисобига олинган валюта даромадлари билан қопланмоқда. Бу ҳолат хорижлик инвесторларнинг мамлакатда яратилган имтиёزلардан кўпроқ фойдаланишга ҳаракати, якуний истеъмол учун эмас кўпроқ ярим тайёр товар ишлаб чиқариб экспорт қилиши, мамлакатда ишлаб чиқариш мумкин бўлсада айрим товар ва ресурсларни яратилган имтиёزلардан фойдаланиш учун импорт қилиниши, шунингдек, бу компаниялар бошқа шериклари билан савдосини ривожлантириши ва олган даромадларининг солиққа тортишдан сақлаб қолиш учун бошқа мамлакатлардаги филиалларига улардан юқори нархларда товар ёки хизматлар импорт қилиш орқали маблағларни трансферт қилиши, компаниянинг асосий маркази белгилаб қўйган жойлардан хом ашё ва ресурсларни харид қилиниши ва бошқалар туфайли келиб чиқиши мумкин.

ХИК мамлакатга валюта тушумини кўпайтиришдан кўра, харажатларнинг ортишига замин яратаётган экан уларнинг фаолият соҳаси ва ташқи савдоси кўриб чиқилиб, миллий иқтисодиётнинг шартларига мувофиқлаштирилиши зарур. Хусусан, уларнинг экспортининг таркиби чуқур қайта ишланган товарлардан иборат бўлиши ва инвестиция киритаётганда ана шундай тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган технологияларни олиб келишига қараб имтиёзлар белгиланиши, импортининг таркиби чуқурлаштирилиб мамлакатда ишлаб чиқариш учун зарур товарлардан иборат бўлиши, имтиёзлар берилаётганда импорти билан экспортининг нисбати ҳам инобатга олинаши, яъни экспортнинг ортиши имтиёзларнинг ортишига, импортнинг ортиши эса имтиёзларнинг мутаносиб равишда камайишига олиб келиши керак. Шунингдек, ХИК импорт ва экспорт қилаётган товар ва хизматларнинг ички ва ташқи бозорлардаги нархлари ҳам турли имтиёзларни қўлловчи идоралар томонидан назорат қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Республика ташқи савдоси, хусусан, экспорти таркибида изчиллик билан қайта ишланган саноат товарлари улишини ошириш ва жаҳон бозорига хом ашё бўйича боғлиқликни бартараф қилиш зарур. Шунингдек, экспорт ва импорт бўйича узоқ муддатга мўлжалланган режа ишлаб чиқилиб, унда товар таркиби ва экспорт қилинадиган бозорлар белгиланиб, ташқи савдо стратегик жиҳатдан ривожлантирилиши керак. Хусусан мамлакатда бир томондан, пахта, жун, каноп ва чарим хом ашёси кўп бўлса, иккинчи томондан, етарли меҳнат салоҳияти мавжуд, учинчи томондан, озиқ-овқат саноати учун ҳам хом ашё етказиб бериш имконияти бўлиб, булар енгил ва озиқ-овқат саноатларининг барча тармоқларини барпо қилиш ва уларни экспортга чиқариш учун асос бўла олади. Шунингдек, индустриал мамлакатлардаги илмий тараққиёт ва унинг амалда жорий этилиши бу мамлакатларда табиий хом ашёлардан тайёрланган истеъмол товарларга талабнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Табиий хом ашёлардан тайёр истеъмол товарлари ишлаб чиқариб, ривожланган мамлакатларга экспорт қилиш имкониятидан кенгрок фойдаланиш зарур. Айни вақтда бир томондан жаҳонда аҳолининг ўсиш суръати юқорилиги озиқ овқат саноат товарларига, иккинчи томондан жаҳонда даромадларнинг ортиши товарларнинг сифатига талабни ошишига сабаб бўлмоқда. Бу борада жаҳон иқтисодиётида салмоқли улушга эга бўлиб бораётган Узоқ Шарқ мамлакатлари бозорига алоҳида эътибор зарур. Бундан ташқари, экспорт бозорлари мунтазам тадқиқ қилиниши ва ундаги ўзгаришларга мувофиқ ишлаб чиқариш ривожлантирилиши лозим. Иқтисодий интеграциянинг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратиб Президент И.Каримов «Интеграция ҳақида гапирар эканмиз, манфаатлар бирикувининг хилма хил механизмлари ва шакллари ҳамда интеграция турлари мавжудлигига асосланамиз. Бунга шерикчилик ва ҳамкорлик қилишга интилаётган мамлакатларнинг бошланғич шарт-шароитлари турлича эканлиги сабабдир. Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда—дунё миқёсида ва минтақа кўламида интеграция жараёнларида қатнашсада, аммо бир муҳим қоидага: бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка амал қилади. Биз бир субъект билан шерикчиликни мустаҳкамланиши бошқалар билан шерикчилик муносабатларининг заифлашувига олиб келишига қаршимиз. Шу сабабли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви серкирра жараёндир¹¹» деб алоҳида таъкидлаганлар.

Ўзбекистонга жалб жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳажмини имкон даражасида дейиш қийин. Шу боис, хорижий инвестициялар салмоғини ошириш ва улар ишгиرويдаги корхоналар экспортини сезиларли даражага чиқариш зарур. Шунингдек, хорижлик инвесторларга имтиёзларда уларнинг импортининг экспортига нисбати кўзда тутилиб берилиши керак. Чунки таҳлиллардан уларнинг импорти экспортига қараганда қарийб икки баробарга ортиқлигини маълум бўлмоқда, яъни, уларнинг импорт харажати

¹¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1999. - 658-659 - б.

ўзларининг экспорт даромади ҳисобига эмас, бошқа манбалар ҳисобига олинган валюталар билан қопланмоқда.

3.4. Экспорт – импорт операцияларини амалга ошириш механизмини соддалаштириш орқали ташқи савдони ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаси

Жаҳон миқёсида ҳўжалик алоқаларининг диверсификацияси, ишлаб чиқариш кўламининг кенгайиши маҳсулот ассортиментининг кўпайиши, ҳамда меҳнат тақсимоти ва трансмиллий ҳамкорлик (корпорация) чуқурлашуви натижасида ҳозирда жаҳон савдосида гуркираб ўсиш кузатилмоқда. Маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилардан воситачилар ва истеъмолчиларга етказиш йўллари уларнинг қардалигидан қатъий назар, янада самаралироқ бўлиб бормоқда.

Бундай шароитда ташқи иқтисодий фаолиятга тўсиқлар ва харажатларига жиддий эътибор берилиши табиий, зеро, ҳукуматлар иқтисодий сиёсатининг муваффақияти ҳамда алоҳида давлатнинг ҳам, жаҳон ҳўжалигининг ҳам иқтисодий ўсиш суръати мазкур тўсиқ ва харажатлар ҳажмига бевосита боғлиқ. Франсуа, ван Мейль ва ван Тонгрэн (François, van Meijl and van Tongren) ларнинг тадқиқотлари натижаларига кўра, ташқи савдо операцияларини амалга ошириш харажатларини бир ярим фоизга қисқартириш жаҳондаги барча давлатлар иқтисодий фаровонлигини 78 млрд. АҚШ долл.га оширади. Уолкентхорст ва Ясуи (Walkenhorst and Yasui, 2003) тадқиқоти натижаларига кўра эса, ташқи савдо харажатларининг бир фоизга қисқартириш жаҳон фаровонлигининг 70 млрд АҚШ долл.га ошишига олиб келади.

Осиё-Тинч океани Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ОТИХ) (АРЕС, 1999) ҳисоботида кўра, савдога кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида Осиё-Тинч океани минтақасида савдо харажатларининг қисқариши миқдори саноати ривожланган давлатларнинг импорт нархларининг 1 %га, қолган ривожланаётган давлатларнинг импорт нархларининг 20 %га тенг. Шунингдек, мазкур ҳисоботда савдога кўмаклашиш чора-тадбирлари шу минтақа давлатлари маҳсулотлари экспортининг қўшимча 3,3 %га ортиши ҳисоблаб чиқилган.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, давлат ташқи савдо сиёсатини такомиллаштиришнинг муҳим элементи – ташқи савдо тартибини эркинлаштириш билан бирга ташқи савдо муомалаларини соддалаштиришдир. Бундан асосий мақсад – давлатнинг ташқи иқтисодий фаолият устидан назоратини таъминлаш билан бир вақтда ортиқча ҳуқуқий ва бюрократик тўсиқлари туфайли келиб чиқадиган халқаро савдо операцияларини амалга оширишдаги мураккабликни камайтиришдир. Бунда ташқи савдо процедураларига нафақат ташқи савдо битимини тузиш ва амалга ошириш билан бевосита боғлиқ операциялар, балки божхона назорати, божхона тўловларини тўлаш, халқаро тўловларни амалга ошириш, юklar транспортировкаси ва бошқа процедуралари ҳам киради.

Ташқи савдога кўмаклашиш бўйича ўтказилаётган ислохотлар доирасидаги таклиф этилаётган чора-тадбирлар халқаро савдо битимлари бўйича процедураларни соддалаштириш, уларни амалга ошириш учун зарур вақт ва харажатларни қисқартиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ташқи савдо процедураларини уйғунлаштириш (гармонизация) ва соддалаштириш Жаҳон Божхона Ташкилоти (WCO) ишлаб чиққан Киото Конвенцияси – божхона процедураларини уйғунлаштириш ва соддалаштириш бўйича халқаро конвенция (1973) муҳим аҳамиятга эга. 1999 йилдан бошлаб, WCO барча аъзо давлатлар божхона ташкилотлари фаолиятида мазкур конвенцияга амал қилишни мажбурий қилиб белгилади, ҳолбуки, шу йилгача фақат тавсия хусусиятига эга эди.

Умуман охириги 10 йил мобайнида жаҳоннинг кўплаб давлатлари томонидан ташқи савдонинг тариф тўсиқларини кескин қисқартириш бўйича олиб борган чора-тадбирлари ташқи иқтисодий фаолиятни самарали амалга ошириш учун етарли эмаслигидан Киото Конвенциясини қабул қилиш зарурати туғилди. Давлатлар божхона чегараларида

ушланиб қолиш, унчалик тушунарсиз кўпинча ортиқчаси билан талаб қилинадиган ҳужжатлар давлат томонидан тасдиқланган автоматлаштирилган маълумотларни қайта ишлаш тизими йўқлиги туфайли тадбиркорлар катта харажат қилишларига тўғри келмоқда.

Бу ҳужжатлар кўп ҳолларда бож тарифлари камайтирилишидан олинадиган фойдадан ҳам ортиб кетмоқда. Масалан, ушбу соҳада олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, ЕИХТ давлатларида экспорт-импорт операцияларини амалга оширишнинг транзакция харажатлари савдо қилинаётган маҳсулотлар қийматининг 2 % идан 15 %гача ташкил этади. Ташқи савдо операцияларини тартибга солиш тизими ЕИХТ давлатларига нисбатан камроқ ривожланган давлатларда эса бу харажатлар янада кўпроқ бўлиши турган гап.

Ҳозирда кўплаб давлатлар (ЕИ, Россия, Украина ва Ўзбекистон (гарчи Ўзбекистон бу Конвенцияга ҳали қўшилмаган бўлса-да)да Киото Конвенциясидаги қоидаларни амалга ошириш билан боғлиқ процедуралар узлуксиз қайта кўриб чиқилмоқда.

Бунинг учун эса, қоидага кўра, қуйидаги дастаклардан фойдаланилади:

- бир қатор божхона бошқаруви ҳужжатларини ягона ҳужжатда бирлаштириш (масалан, ЕИнинг Ягона бошқарув ҳужжати, халқаро кемалар қатнови Палатаси Коносаменти)

- бошхонадаги расмийлаштиришни компютерлаштириш;

- биргаликдаги “ягона ойна” тамойилини ишлаб чиқиш.

Бундай ислохотларни ўтказишдан яхшигина фойда кўрилишини кўплаб тадқиқотлар ҳам исботламоқда. Масалан, Янги Зеландияда қоғозсиз божхона назоратининг мультимедиа тизимини татбиқ этиш божхона процедураларидан ўтиш вақтини 10 кундан 12 минутгача қисқартириш имконини берди. (WTO, 2003) Коста-Рикада эса 1994 йилда “ягона ойна” тамойили электрон декларация қилиш тизими ва автоматлаштирилган хатарни бошқариш механизмига ўтиш божхона текшируви вақтининг 6 кундан 25 минутгача камайишига олиб келди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон ҳўжалиги тизимига интеграциялашуви шароитида республикада экспортга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сиёсатини амалга ошириш ва экспортчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришда ривожланган давлатлар, айниқса, Шарқий Осиёдаги тезкор тараққий этаётган мамлакатлар ташқи савдо сиёсати тажрибаларидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш орқали мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтириш масаласи, республикада ўтиш иқтисодиётининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш, жаҳон амалиётида тўпланган тажрибалар ва халқаро қонун-қоидалар асосида ташқи савдони тартибга солиш усулларини янада такомиллаштириш зарурлигини талаб қилади.

кўпчилик мамлакатлар ўз экспортчиларини у ёки бу шаклларда қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади. Бу дунё бозорида рақобат кураши кескин тус олаётганлиги билан ҳам изоҳланади. Экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий моҳияти шу билан изоҳланадики, бозор иқтисодиёти шароитида давлат “бозор” бажара олмайдиган бир қатор вазифалар учун маъсул ҳисобланади. Бу тизим ўз ичига қуйидаги чора тадбирларни қамраб олади:

- экспортни давлат томонидан имтиёзли кредитлаш ва берилган кредитларни ҳар хил сиёсий таваккалчиликлар, урушлар, инқилоблар, табиий офатларга қарши суғурталаш;

- устувор экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга нисбатан солиқ имтиёзларини қўллаш;

- махсус ташкил этилган фондлар доирасида экспортга мўлжалланган устувор лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш жараёнини давлат томонидан молиялаштириш;

- экспорт қилувчиларни маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий чора тадбирлар орқали қўллаб-қувватлаш;

- экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тармоқларида капитал қўйилмаларни узоқ муддатли жойлаштириш;
- экспорт қилувчи корхоналарнинг ички ва ташқи баҳолари ўсиши натижасида юзага келадиган иқтисодий таваккалчиликлардан ҳимоялаш.

Хулоса

Ўтган йил якунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир.

Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келган.

Иқтисодиётимиз таркибидаги чуқур ўзгаришлар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмини барқарор ошириш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришишда энг муҳим омилга айланди.

Жаҳон бозоридаги кононжуранинг беқарорлигига қарамасдан, 2013-йилда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо фаолиятидаги ижобий салдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этди. 2013 йилда қимматбаҳо металллар нархининг кескин пасайганига қарамасдан, мамлакатимиз олтин-валюта захираси ўтган йил давомида 2 фоизга кўпайди.

Сўнгги йилларда экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулотлар улуши барқарор суроатлар билан ўсиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2013 йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиғи тайёр товарлар ҳиссасига тўғри келгани иқтисодиётимиз диверсификация қилинаётганининг яққол далолати, десам, хато бўлмайди.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилгани экспорт фаолиятига 450 дан зиёд янги корхонани жалб этиш имконини берди. Бу борада Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ишлаб чиқариш миқёсида иқтисод қилиш мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича давлат стратегияси зарурлигини асослашда энг муҳим омил ҳисобланади. Агар миллий фирма ишлаб чиқариш ўсишга, боғлиқ тарзда инвестициялардан ўсиб бораётган натижа олса ва ички бозорда хорижий бозорларда ҳам экспорти кенгайтириш йўли билан каттароқ фойда олиш эҳтимоли кўпаяди. Катта ҳажмда бундай ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун ички бозорни жиддий ҳимоялаш зарурияти туғилади. Агар ҳукумат ички бозорни таърифлар, квоталар ёрдамида ҳимоя қилса, миллий фирмаларнинг ўртача ишлаб чиқариш ҳаражатлари пасаяди ва шунинг учун улар ташқи бозорда маҳсулотларга пастроқ нарх белгилашлари мумкин. Шунинг учун миллий фирмаларнинг давлат томонидан ички бозорда ҳимоя қилиш уларга фақат мамлакат ичкарасида эмас, балки хорижий бозорларда ҳам фойда келтиради.

Экспортни кенгайтириш Республикада эркин муомаладаги валютанинг кириб келишини кучайтириш орқали миллий валютани мустаҳкамлаш имконини беради. Бу корхоналар эҳтижманд бўлган янги технологиялар ҳамда. Бу ижтимоий масалаларни ҳал этиш — иш ҳақини ошириш, ижтимоий инфраструктурани кенгайтириш ва бу ишлаб чиқаришни мунтазам янгиллаб туришни кучли тарзда рағбатлантириш имконини беради. Бир сўз билан айтганда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш ҳар томонлама рағбатлантириш ва миллий валютаимизнинг барқарорлигини таъминлаш бугунги кунда энг долзарб бўлиб, уни ҳал этмасдан иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳақида сўз юритиб бўлмайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда изчил амалга ошираётган иқтисодий ислохотлар туфайли мавжуд ишлаб чиқариш корхоналари техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб модернизация қилинмоқда. Шу билан бирга жойларда янги-янги қувватлар ишга туширилмоқда. Бу эса юқорида таъкидлаб ўтганимиздек ўз навбатида нафақат ички

бозоримизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, балки экспортбop ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Масалан: Янгийўл туманида фаолият бошлаган болалар ва катталар кийимларини тайёрлашга ихтисослашган «Биллур текс» масъулияти чекланган жамияти ҳам мана шу ислохотлар самарасидир. Мазкур корхона маҳсулотлари асосан ҳорижлик буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Ўзбекистон ижтимоий – иқтисодий тараққиётининг айна палласида экспорт ҳажми ва салоҳиятини ошириш бир неча сабабга кўра муҳим аҳамият касб этади.

Биринчидан, экспортни ривожлантириш ички бозордаги чегараланган имкониятлардан ташқари таклиф бозори ҳажмини ташқи омиллар эвазига кенгайтириш имконини беради. Бу эса миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Мазкур омилнинг долзарблигини шу билан изоҳлаш мумкинки, бир тарафдан, мустақилликка эришгунга қадар мамлакатдаги деярли барча корхоналар нафақат Ўзбекистон, балки собиқ Совет иттифоқининг бошқа республикалари эҳтиёжини ҳам қондиришга қаратилган ҳолда тузилган бўлса, бошқа тарафдан, мустақиллик йилларида ташкил этилган кўпгина корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ҳам (асосан текстиль, автомобиль, кимё саноати ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида) ички талабнигина эмас, балки ташқи дунё эҳтиёжини ҳам қондиришга йўналтирилган. Бироқ айна пайтда мазкур корхоналарнинг ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланилмаяпти ва уларнинг бир қатор маҳсулотлари ички бозор ҳажмининг чегараланганлиги ва ушбу соҳада мавжуд муаммолар туфайли экспортнинг ҳам чегараланганлиги учун ўз рақобатбардошлигини йўқотмоқда. Демак, мазкур корхоналарда мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш ва шу аснода рақобатбардошликка эришиш кўп жиҳатдан келажакда бу маҳсулотлар экспорти кўламини ошириш билан боғлиқдир. Айна пайтда яна бир омилни ҳисобга олиш керакки, ҳозирги даврда иқтисодиётнинг деярли кўпгина тармоқларида рақобатбардошликка эришиш фақатгина оммавий ишлаб чиқариш (кўлам таъсири) эвазига бўлиши мумкин. Бу эса нафақат ички, балки ташқи бозор талаби ҳам аввалдан ҳисобга олинган тармоқларда ишлаб

чиқаришни ташкил этиш кераклигини назарда тутди. Иккинчидан, экспорт фаолияти даврида миллий ишлаб чиқарувчилар ташқи бозорда чет эллик ишлаб чиқарувчилар томонидан жиддий рақобатга дуч келадилар. Бу ҳолат уларни доимо ишлаб чиқаришни замон талабларга

мос тарзда жорий этиш, янги технологиядан фойдаланиш, маҳсулот ассортиментини янгилаб туриш ва унинг таннархини пасайтиришга ундайди. Демак, узоқ муддатли даврда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришнинг муҳим шарти сифатида миллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган сиёсатни айтиш мумкин.

Учинчидан, йилдан йилга Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган чет эл сармоялари кўлами ортмоқда. Бу, ўз навбатида, келажакда сармоя сиёсати билан боғлиқ бўлган сармоявий маҳсулотлар импорти (бунга маънавий ва моддий эскириш натижасида техника ва технологияни янгилаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш каби амалларни мисол қилиш мумкин), чет эл сармояси киритилган корхоналар фойдасини репатриация қилиш, фойиз ва

дивидендларни тўлаш, ташқи қарзни узиш ва бошқа ҳаражатларнинг ошишига сабаб бўлади. Мазкур чиқимларни қоплашнинг асосий манбаи

экспорт тушуми бўлганлиги сабабли тўлов баланси ва макроиқтисодий барқарорликнинг келажакдаги ҳолати кўп жиҳатдан мамлакатнинг экспорт имкониятларини кенгайтиришга боғлиқ бўлади.

Тўртинчидан, иқтисодиётда таркибий қайта қуришни амалга ошириш ҳамда жами экспорт ва ишлаб чиқаришда қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар салмоғини ошириш иқтисодиётни технологик жиҳатдан модернизация қилиш масаласига бориб тақалади. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун сармоявий маҳсулотлар импорти ҳажмини

сезиларли даражада ошириш керак. Бундай маҳсулотлар импорти ҳаражатларини қоплашнинг асосий манбаи эса экспорт бўлганлиги учун мазкур масаланинг ечими ҳам экспортни ривожлантириш, уни жадаллаштиришга боғлиқ.

Бешинчидан, жаҳон тажрибасига кўра, экспортни рағбатлантириш сиёсати импорт ўрнини босиш сиёсатига нисбатан анчайин самаралироқ. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва аҳоли реал даромадларини сезиларли даражада оширишга фақатгина импорт ўрнини босиш сиёсатидан воз кечиб, экспортни рағбатлантириш сиёсатига урғу бергандагина эришиш мумкин. Кўп мамлакатлар иқтисодий ривожланишда кучли протекционизм ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш босқичидан ўтадилар, кейин эса аста-секин экспортга йўналиш томонга силжийдилар. Кўпинча импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш иқтисодий мустақилликка эришишнинг усули бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон бозоридаги кононктуранинг бекарорлигига қарамасдан, 2013-йилда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо фаолиятидаги ижобий салдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этди. 2013-йилда қимматбаҳо металллар нархининг кескин пасайганига қарамасдан, мамлакатимиз олтин-валюта захираси ўтган йил давомида 2 фоизга кўпайди

Наманган вилоятида 2013 йил якуни билан 263,8 млн. долларлик *(2012 йилга нисбатан 114,3%)* ташқи савдо амаллари бажарилиб, шундан экспорт 102,5 млн.долларни (117,8%), импорт 161,3 млн. долларни (112,1%) ташкил этди.

Худудий экспорт дастурига асосан минтақа тасарруфидаги экспортёр корхоналар томонидан 2013 йил якуни билан 33,3 млн.долларлик товар ва хизматлар экспорт қилиниб, ўсиш суръати 2012 йилга нисбатан 1,8 мартага, белгиланган прогнозга нисбатан эса 101,6 фоизга бажарилиши таъминланди.

Наманган вилоятда экспорт фаолиятини юритувчи корхоналарнинг сафи барқарор ўсиб бормоқда. 2012 йилда экспорт амалларини бажарувчи корхоналар сони 82 тани ташкил этган бўлса, 2013 йил якуни билан уларнинг сони 12 тага ортиб, 94 тани ташкил этган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Расмий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

- 1.1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 8.12.1992 й. –Тошкент.: Ўзбекистон, 2003. -40 б.
- 1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонуни. 22.12.1995 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1995 й. 12-сон, 49-62 б.
- 1.1.3. Ўзбекистон Республикасининг Эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонуни. 25.04.1996й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1996 й. 5-6-сон, 39-45 б.
- 1.1.4. Ўзбекистон Республикасининг Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисидаги қонуни. 29.08.1996й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1996 й.9-сон, 29-33 б.
- 1.1.5. Ўзбекистон Республикасининг Бож тарифи тўғрисидаги қонуни. 29.08.1997й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997 й. 9-сон, 34-49 б.
- 1.1.6. Ўзбекистон Республикасининг Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонуни. 30.04.1998 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1998 й. 5-6-сон, 117-128 б.
- 1.1.7. Ўзбекистон Республикасининг Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонуни. 30.04.1998 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1998 й. 5-6-сон, 129-135 б.
- 1.1.8. Ўзбекистон Республикасининг Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонуни. 01.05.1998 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1998 й. 5-6-сон, 165-183 б.
- 1.1.9. Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонуни. 14.04.1999 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1999 й. 5-сон, 10-24 б.
- 1.1.10. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонуни. 26.05.2000 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2000 й. 5-6-сон, 83-92 б.
- 1.1.11. Ўзбекистон Республикасининг Маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисидаги қонуни. 07.12.2001 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 1-сон, 76-90 б.
- 1.1.12. Ўзбекистон Республикасининг Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисидаги қонуни. 11.12.2003 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2004 й. 1-2-сон, 8-24 б.
- 1.1.13. Ўзбекистон Республикасининг Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонуни 11.12.2003 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2004 й. 1-2-сон, 26-36 б.
- 1.1.14. Ўзбекистон Республикасининг Экспорт назорати тўғрисидаги қонуни. 26.08.2004 й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2004 й. 37-сон, 4-7 б.
- 1.1.15. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 30.11.2007 й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2007 й. №52, 4-253б.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари

- 1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони 11.03.2005 й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 10-11 сон, 6- б.
- 1.2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони 11.04.2005 й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 15-16 сон, 4-7 б.

1.2.3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хориж инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони 21.07.2005 й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 28-сон, 9-10 б.

1.2.4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт–импорт операцияларини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори 19.09.2005 й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 40-сон, 6-7- б.

1.3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1.3.1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб келинишини янада тартибга солиш тўғрисида»ги қарори 19.06.2003 й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 12-сон. 17-18 б.

1.3.2.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори 9.02.2004 й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 6-сон. 29-30 б.

1.3.3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий инвестициялар ишгиросидаги корхоналарга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори 01.05.2006 й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 18-сон. 21-22 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг асарлари

2.1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.Тошкент: Ўзбекистон, 2009

2.2. Каримов И.А. асосий вазифамиз- ватанимиз тарққиёти ва халқимизфарровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2010

2.3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -364 б.

2.4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -349 б.

2.5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1999. -686 б.

2.6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10 -Т .: «Ўзбекистон», 2002. -432 б.

2.7. Каримов И.А. Биз танлаган йўл–демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли Т.11.–Т.:«Ўзбекистон»,2003. -320 б.

2.8. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Т .: «Ўзбекистон», 2005. – 448 б.

2.9. Каримов И. А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т. 15 –Т.: Ўзбекистон, 2007. - 320 б.

2.10. Каримов И.А ” Мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги марузаси «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 18 январь

3. Илмий манбалар, китоб ва рисолалар

3.1. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. -196 с.

3.2. Авдокушин Е.Ф. Бойченко А.В. и др. Мировая экономика. Экономика зарубежных стран. Под редакцией Калесова В.П., Осьмовой М.Н., М.:Флинта, 2001. -480 с.

- 3.3. Алимов Р.О., Расулов А.Ф., Қодиров А.М., ва бошқ. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. //Ғуломов С.С. таҳрири остида. –Тошкент. Konsauditinform-Nashr, 2006. 360-380 б.
- 3.4. Бекмуродов А.Ш., Ғофуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар. Тошкент: - 2007 й.
- 3.5. Вахабов А.В., Разикова Г.Х., Хажибакиев Ш.Х. Мировая экономика. -Т.: НУУЗ, 2006. -304 б.
- 3.6. Вахабов А.В., Жумаев Н.Х., Бурхонов У.А. Халқаро молия муносабатлари. –Т.: “Шарқ”, 2003. -400 б.
- 3.7. Вахабов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. –Т.: “Шарқ”, 2003. -320 б.
- 3.8. Вахабов А.В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши. –Т.: Молия, 2002. -325 б.
- 3.9. Жуков Е.Ф., Капаева Т.И., Литвиненко Л.Т. Международные экономические отношения. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. -485 с.
- 3.10. Красавиной Л.Н. под. ред. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. –Москва: Финансы и статистика, 2001. -608 с.
- 3.11. Киреев А.П. Международная экономика. В 2-х ч. –Ч. II. –Москва.: Международная отношения, 1999. – 488 с.
- 3.12. Кругман П. Международная экономика. 5-е изд. –СПб.: Питер. 2004. -831 с.
- 3.13. Колесов В. П. Международная экономика. –Москва.: ИНФРА-М, 2004. -474 с.
- 3.14. Ломакин В. К. Мировая экономика. Москва.: ЮНИТИ, 2000.-727 с.
- 3.17. Фомишин С. В. Международные экономические отношения. Ростов н/Д: Феникс, 2006. -608 с.
- 3.18. Моисеев С.Р. Международные валютно-кредитные отношения. –Москва: Дело и Сервис, 2007. -816 с.
- 3.19. Международная экономическая интеграция / Ливенцева Н.Н., Харламова В.Н. и др.; Ливенцева Н.Н. под. ред. -Москва: “Экономистъ”, 2006. -430 с.
- 3.20. Мировая экономика. Абдурахманов К. Х., Додобаев Ю.Т., Ахмедов О.М., Абдурахманов О.К. Ташкент: “O’qituvchi”, 2006.-416 с.
- 3.21. Матыцын А.К. Вертикальная интеграция: теория и практика. Новые Век Год издания, 2002. - 368 с.
- 3.22. Махмудов Э.Р. Мировая экономика: современные экономические системы. – Тошкент. : УМЭД, 2006. -496 стр.
- 3.23. Шемятенков В.Г. Европейская интеграция. –Москва.: Международная отношения, 2005. -354 с.
- 3.24. Расулев А., Бедринцев А., Акилов А. Ўзбекистон: ташқи иқтисодий фаолият ва жаҳон ҳўжалигига интеграциялашув. –Т.: Ўзбекистон,1996 -66 б.
- 3.25. Сиражидинов Н.С. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: теоретико-методологические аспекты. - Тошкент.: УМЭД, 2004. -224 с.
- 3.26. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. –Тошкент.: Адолат, 2001. -368 б.
- 3.27. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари / Тўхлиев Н., Ҳақбердиев Қ., Эрматов Ш., Холматов Н. -Т.: ЎЗМЭ, 2006.-396 б.
- 3.28. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: Мехнат, 1995. -463 б.
- 3.29. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. –Т.:Шарқ, 2006,-448 б.
- 3.30. Ҳамедов М.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. –Т.: Адабиёт жамғармаси, 2004.-328 б.
- 3.31. Шодиев Р.Х., Махмудова Э.Р. Жаҳон иқтисодиёти. Т.: Ғ.Ғулом, 2005. -312 б.
- 3.32. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: Фан ва технология, 2005. -784 б. (лотин имлосида).
- 3.33. Laffer A. B. and Miles M., International Economics in An Integrated World. Scatt, Foresman and Company, 1982. -348 p.

5. Журналлардаги илмий мақолалар

- 5.1. Арипов С. Республика ташқи иқтисодий фаолиятида божхона хизматининг ўрни // Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2006. №8. Б. 58-60.
- 5.2. Расулов А. Внешнеэкономическая деятельности Узбекистана: состояние, проблемы и перспективы // Рынок, деньги и кредит. –Ташкент, 1997. С. 8-12.
- 5.3. Каримова З. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш– Ўзбекистоннинг БСТ га интеграциялашуви негизи // Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2005. №2. Б. 61-63.
- 5.4. Қосимов Р., Расулмухамедов А. Экспортни юксалтириш имкониятлари // Жамият ва бошқарув журнали. –Тошкент, 2000. №1. Б. 58-60.
- 5.5. Юсупов А. Ўзбекистоннинг эркин савдо тизимига интеграциялашуви // Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2004. №6. -Б. 66-69.
- 5.6. Содиков З.Р. Жаҳон бозорига йўл// Солиқ тўловчининг журнали. -Тошкент, 2007. -№3. -Б. 37-38.
- 5.7. Содиков З.Р. Ташқи савдони фаоллаштириш // Жамият ва бошқарув журнали. - Тошкент, 2007. -№3. -Б. 106-107.

8. Электрон сайтлар

- 8.1. W.W.W. Stat.uz
- 8.2. W.W.W.WTO. org.
- 8.3. W.W.W.World Bank. org.
- 8.4. W.W.W.MFER.uz
- 8.5. W.W.W.MF.uz
- 8.6. W.W.W. Gazeta.uz
- 8.7. W.W.W. Press-service.uz
- 8.8. W.W.W. LEX.uz

Аннотация

Ўзбекистонда бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири ташқи иқтисодий фаолиятни янада чуқурлаштиришдан иборат. Жаҳон ҳўжалиги тизимида глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган бугунги кунда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, экспорт таркибини диверсификациялаш ва қўшилган қиймат даражаси юқори бўлган товарлар улушини ошириш мамлакат олдида турган энг асосий вазифалардан ҳисобланади.

Иқтисодиётимиз таркибидаги чуқур ўзгаришлар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмини барқарор ошириш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришишда энг муҳим омилга айланди.